



“ВАТАН УЧУН, МИЛЛАТ УЧУН, ХАЛҚ УЧУН!”

ЖОРИЙ ЙИЛНИНГ
ЕТТИ ОЙИДА 6 380 ТА
МАҲАЛЛА БИНОСИ ҲАМДА
3 214 ТА КАМБАҒАЛ
ОИЛА ХОНАДОНИГА КУЁШ
ПАНЕЛИ ЎРНАТИЛДИ.



ЎЗБЕКИСТОН МАҲАЛЛАЛАРИ УЮШМАСИНИНГ ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ, МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ГАЗЕТАСИ

2025 ЙИЛ
23 АВГУСТ,
ШАНБА

Mahalla

№68-69
(2293)

WWW.UZMAHALLA.UZ

МАҲАЛЛА РАИСИ, БУ — МАҲАЛЛАНИНГ ВИЖДОНИ!



Мамлакатимиз бўйлаб
“Обод ва фойзли маҳалла —
юрт кўрки” шиори остидаги
умумхалқ хайрия ҳашари
юксак руҳ ва уюшқоқлик
билан ўтказилляпти.

ОБОДЛИК

БУГУНГИ СОНДА:

**Қадриятлар
ўзликни англатади,
китоблар илмга
ташналикни**

“Бугун маҳалламизда очилган кутубхона нафақат китоблар ўқиш, балки ёшларни маънавий камол топтириш, уларда китобга муҳаббат уйғотиш, эркин фикрлай оладиган ёшларни тарбиялашда муҳим маскан бўлиб хизмат қилади”.

5-с.

**Барча даражадаги
раҳбарлар
маҳаллалардаги
халқ олдида
ҳисобдор**

Яқингача унга моддий ёрдам манбаси, жамоат ишига одамларни жалб қилувчи ва маълумотнома берувчи идора сифатида қаралган бўлса, энди бандликни таъминлаш, камбағаллик ва ишсизликни қисқартириш, ёшлар билан ишлаш, ижтимоий ҳимояга муҳтож фуқароларга манзилли ёрдам кўрсатиш борасида ишончли тузилмага айланди.

7-с.

**Тарбиялаш
мақсадида
ўқувчини уриш
мумкинми?**

Устоз ва мураббийлар болаларни уриш билан эмас, балки уларнинг психологиясини ўрганиш ва ҳар томонлама ўрнатилган бўлиш билан тарбиялаб бориши — энг ўзгал ва ягона ечим ҳисобланади.

12-с.

УМУМХАЛҚ ҲАШАРИ — БИРДАМЛИК, ҲАМЖИҲАТЛИК, МЕҲР-САХОВАТ БАЙРАМИГА АЙЛАНДИ

Халқимиз ҳашарга хайрли тадбир сифатида қарайди. Бундай пайтда меҳнат қилишнинг шуқуҳи ҳам бошқача бўлади. Ҳамма жон куйдириб ишлайди. Четда туришга, томошабин бўлишга ор қилади, “Эл орасида ким деган одам бўлдим” дея андиша қилади. Энг муҳими, одамлар унинг моҳиятидаги элу юрт учун хизмат қилишдек эзгу мақсадни чуқур англайди. Бу галги умумхалқ

ҳашарида ҳам бу жиҳатлар яққол намоён бўлмоқда.

Ҳашарнинг биринчи куни — 22 август ҳолатига 9 008 та маҳаллада ушбу эзгу ҳаракат бошланди. Бу жараёнда 53 минг 509 та кўча, 9 342 гектардан ортиқ майдон, 9 982 километр узунликдаги ариқ ва лотоклар тозаланди, 4 104 та қабристон, 221 та зиёратгоҳ, 3 786 та болалар ва спорт майдончаси тартибга келтирилди. 7 067 тоннадан зиёд чиқиндилар чиқариб ташланди. 7 миллион

168 минг тупдан зиёд дарахт оқлашиб, таги чопиб юмшатилади. Биргина “Маҳалла сервис компаниялари” томонидан 3 мингдан ортиқ кўча, 2 мингта хонадон, 208 та қабристон, 131 километр узунликдаги ариқ ва лотоклар тозаланди, 103 мингдан ортиқ дарахтлар оқланди.

Аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича 19 минг 479 та кам таъминланган оиланинг уй-жойлари ҳашар йўли билан таъмирланди. 27 минг 250 та эҳтиёжманд оилалар, шу жумладан,

8 581 нафар ногирон ва ёлғиз қари-ялар ҳолидан хабар олиниб, моддий ёрдамлар кўрсатилди.

Бу йилги ҳашарнинг яна бир ўзига хос жиҳати — ҳар бир маҳаллада раислар аҳолига мурожаат йўллади ҳамда кўча (уй) бошилар томонидан хонадонларга “ҳашар хабари” етказилди. Қолаверса, ҳар бир маҳалла идорасининг олдида қозон осилиб, ҳашарчилар учун байрам дастурхонлари ёзилди, концерт дастурлари ва кўчма дўконлар ташкил этилди.



Бугун —
23 август куни
ҳам маҳаллаларда
умумхалқ ҳашари
давом этади.

ДИҚҚАТ, ДИҚҚАТ!

“Mahalla” газетаси ва
“Mahalla ko'zgusi” журнаliga
2026 йил учун ОБУНА БОШЛАНДИ!

УНУТМАНГ, КЕЛГУСИ ЙИЛДА ҲАМ СИЗНИ
МАҲАЛЛАЛАР ҲАЁТИГА ОИД ТАҲЛИЛИЙ, ИЛҒОР
ТАЖРИБАЛАРГА БОЙ МАҚОЛАЛАР, ХОЛИС ВА
ТЕЗКОР АХБОРОТ, ҚИЗИҚАРЛИ ХАБАРЛАР КУТАДИ!

ҲУРМАТЛИ РАИС, СИЗ СЕВИМЛИ
НАШРИНГИЗГА ОБУНА БУЎДИНГИЗИМИ?

ШОШИЛИНГ!
МАҲАЛЛАНИ
“Mahalla”СИЗ
ТАСАВВУР ЭТИШ
ҚИЙИН...

МУРОЖААТ УЧУН ТЕЛЕФОНЛАР:
71 233-39-89, 71 233-10-92



“МАҲАЛЛА ТАРҒИБОТЧИСИ” ЖАМОАТЧИЛИК ГУРУҲЛАРИ ТУЗИЛАДИ

Маҳаллаларда жиноятчиликнинг барвақт олдини олиш тизими натижадорлигини янада оширишга қаратилган Президент қарори қабул қилинди.

Қарор билан “Криминоген вазияти мураккаб маҳаллаларда жиноятларнинг олдини олиш бўйича манзилли чоралар” Концепцияси тасдиқланди. Унга кўра, туман (шаҳар) ички ишлар органи бошлиғи ва прокурорнинг хизмат хонаси 2025 йил якунигача бевосита маҳаллада ташкил этилиб, кундалик ишининг бошланиши ва якуни маҳаллада амалга оширилади.

Маҳаллаларда босқичма-босқич маҳалла ҳуқуқ-тартибот масканлари фаолияти йўлга қўйилади. Оила-турмуш доирасида ҳуқуқбузарликлар содир этувчи шахсларнинг ҳолидан мажбурий равишда ҳар 3 кунда хабар олиш амалиёти йўлга қўйилади.



Маҳаллаларда жиноятчиликнинг олдини олиш борасида “маҳалла еттилик” томонидан фуқаролар ўртасида тарғибот-ташвиқот ишларини олиб боровчи “маҳалла тарғиботчиси” жамоатчилик гуруҳлари ташкил этилади. Маҳалладаги жамоат жойлари, кўп

қаватли тураржой ва уйлар олдида “ташвиш” тугмалари ўрнатилади.

Қарор билан “Криминоген вазияти мураккаб ва оғир маҳаллаларда “намунали хавфсиз кўча” ва “намунали хавфсиз уй” ташкил этиш” бўйича намунавий талаблар тасдиқланди.

ИЖТИМОЙ ПРОФИЛАКТИКА



Президент Шавкат Мирзиёев Туркменистонда ўтказилган “ОЗАРБАЙЖОН –ТУРКМАНИСТОН – ЎЗБЕКИСТОН” форматдаги уч томонлама саммитда иштирок этди.



Давлатимиз раҳбари СУД ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ва одил судлов масалаларига оид тақдимот билан танишди.



Президент ТАДБИРКОРЛАР БИЛАН МУЛОҚОТ ҚИЛИБ, уларнинг бир гуруҳини мукофотлади.

2

№68-69 | 2025 йил 23 АВГУСТ, ШАНБА

Mahalla

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ:



“ОБОД ВА ФАЙЗЛИ МАҲАЛЛА – ЮРТ КЎРКИ”

ҲАР ҚАЛБДА ОБОДЛИК ТУЙҒУСИ ЯШАР, КЎҲНА ВА НАВҚИРОН ҚАДРИЯТДИР ҲАШАР



22 август куні эрта тонгдан Қорақалпоғистон Республикасидаги маҳаллаларда умумхалқ хайрия ҳашари бошланди.

Азлдан халқимизда бирдам, яқдил бўлиб, ҳамжиҳатликда ҳашарлар ташкил этиш яхши анъанага айланган. Ватанимиз мустақиллигининг 34 йиллиги арафасида ташкил этилган мазкур ҳашар доирасидаги ишлар “кўчабай” ва “хонадонбай” белгилаб олинди. “Маҳалла еттилиги” вакиллари ва фаолларга кўчалар бириктирилди, ҳар бир маҳаллада амалга ошириладиган ишлар режа қилиб олинди.

Икки кун давомида ҳудуддаги 452 та маҳаллада ободонлаштириш, меҳр-саховат кўрсатиш иш-

ри амалга оширилади. Жумладан, 2 418 гектар майдон ободонлаштирилади, 1 900 тонна маиший ва қурилиш чиқиндилари чиқариб ташланади, 981 километрлик ариқ-зовур ва лотоклар тозаланади. Бу ишларга 377 та техника воситалари жалб этилади. 461 та қабристон, 8 та зиёратгоҳ, 13 минг 288 та кўча тозаланиб, 236 мингта дарахтга чиройли кўриниш берилади. 428 та болалар ўйин майдончалари таъмирланиб, тартибга келтирилади.

— Ҳашар халқимизнинг бирдамлик ва аҳиллигини, бир-бирига меҳр-оқибатини намоён этадиган азалий одатларимиздан биридир,

— дейди меҳнат фахрийси Нурлан ота Жалғасбоев. — Бизнинг ёшлик давримиз турмушнинг оғир йилларига тўғри келган. Ўша пайтларда маҳаллада биров уйга пойдевор ташласа, барча кўмакка шошиб, уни тезроқ битказишга ёрдам қўлини чўзар эди. Тўйларда хонадонларнинг атрофини ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ҳам маҳалла аҳлининг ёрдами билан амалга оширилар эди. Турли шодиёналар олдидан теварак-атрофни тартибга келтириб, обод қилиш учун ҳашарлар уюштирилар эди. Демок-чаманки, ҳашар — азлдан халқимиз учун мажбурий меҳнат саналмаган. Ёш авлод онгига бу каби миллий қадриятларимизни чуқур сингдиришни ўз бурчимиз, деб биламиз. Шу мақсадда ҳашарларда ёшлар билан меҳнат қилиб, ўзгача завқ оламиз.

Ҳашар давомида кўнгли ярим, кўмакка муҳтож ҳамюртларимизга

алоҳида кўмак кўрсатилмоқда. Жумладан, 23 мингдан зиёд хонадоннинг томорқа ерлари қайта ишланиб, ободонлаштирилади. 943 та хонадонга тегишли уй-жойлар таъмирдан ўтказилади. 1 851 та эҳтиёжманд оилга моддий ёрдам кўрсатилади.

— Ҳашар кунлари хотин-қизларимиз ҳам четда туришмайди, — дейди Нукус туманидаги “Дийқан арна” маҳалласида яшовчи Мавлуда Собирова. — Гуллар экиш, уларни парваришлаш, супуриб-сидириш каби енгил ишларни бажариш билан бирга, ушбу эзгу ҳаракатнинг узвий бўлагига айланган “Ҳашар овқат”да иштирок этишди. Яъни ҳашарчилар дас-турхонини турли нозу неъматлар, таомлар билан тўлдиришди. Бир сўз билан айтганда, ҳашарда фақат ишлар битибгина қолмай, одамларнинг ҳамжиҳатлиги ҳам

мустаҳкамланади.

Истиклол байрами арафасида ота-онасидан эрта айрилган ёшларга алоҳида меҳр, ғамхўрлик кўрсатилди. Хусусан, ҳашар кунлари Беруний туманида яшовчи, хозирда олий таълим муассасаси талабаси бўлган Суҳроб Йўлдошевга бир хонали, барча қулайликка эга уйнинг қалити тантанали равишда топширилди.

— Мен каби ёшларнинг энг катта орзуси ўз уйига эга бўлиш ҳисобланади, — дейди Суҳроб. — Давлатимизнинг бизга ғамхўрлиги натижасида минглаб ёшларнинг орзуси рўёбга чиқмоқда. Бу уй мен учун байрамга ажойиб соғва бўлди. Энди бошқа ишларга чалғимасдан ўз мутахассислигим бўйича етук кадр бўлишга ҳаракат қиламан. Шу тариқа Ватанимиз тараққиётига муносиб ҳисса қўшишга ваъда бераман.

Умуман олганда, Қорақалпоғистон маҳаллаларида умумхалқ ҳашари кўтаринки кайфиятда, уюшқоқлик билан ташкил этил-япти. Бу каби ободлик жараёнлари фақат ҳашар кунлари эмас, йил давомида маҳаллаларда ўтказилмоқда. Уларда халқимизга хос бирдамлик, ҳамжиҳатлик, меҳр-оқибат фазилатлари бор бўй-баста билан намоён бўлаётир.

НАВОЙ ВИЛОЯТИ:

Бунёдкорлик руҳи баланд, меҳр риштаси мустаҳкам



Анъанага кўра, бу йилги умумхалқ ҳашарида ҳам янги ижтимоий объектлар, тураржойлар бунёд этилиб, фойдаланишга топшириляпти.



Ҳашар кунлари Навоий шаҳридаги “Янгиобод” маҳалласи ходимлари янги бинода ўз фаолиятини бошлади. Маҳалла биноси давлат-хусусий шерикчилик асосида бунёд этилди. Бу ерда “маҳалла еттилиги” ва фуқаролар учун барча шароит яратилган.

— Айни пайтда маҳалламиздаги 754 та хонадонда 6 547 нафар аҳоли истиқомат қилади, — дейди маҳалла раиси Шоира Пўлатова. — Янги бинода ҳоким ёрдамчиси, хотин-қизлар фаоли, ёшлар етакчиси, ижтимоий ходим,

профилактика инспектори, солиқ инспектори ёнма-ён жойлашган. Бу юртимизда олиб борилаётган оқилона



сийсатнинг натижаси, маҳалла институти учун яратилаётган имкониятдир. Эндилкда халқимизга янада яқинроқ бўламиз, уларнинг оғирини енгил қилишга интиламиз.

Айтиш керакки, маҳалладаги янги қулайликлар “еттилик” вакиллариининг самарали иш олиб боришига муносиб шароит яратиб, йиғинни ишсизлик, камбағаллик, жиноятчилик ва оилавий ажралишдан холи ҳудудга айлантириш, оилавий даромадлари ошириш, маҳаллада миллий қадриятларимизни кенг тарғиб этишга ундайди.

Маҳалла биносининг очи-лиш маросимида Ўзбекистон маҳаллалар уюшмаси вилоят бошқармаси, Навоий шаҳри ҳокимлиги, вилоят “Нуроний” жамғармаси масъуллари қатнашди ва яратилган қулайликлар билан яқиндан танишди.



Навоий вилоятдаги 310 та маҳаллада ободонлаштириш ва тозалик ишлари кўтаринки кайфиятда олиб борилмоқда. Жараёнда маҳаллалар, аҳоли пунктлари, кўп қаватли уйлар атрофи, гузарлар, зиёратгоҳлар, қабристонлар, болалар майдончалари ва кўчаларда кенг кўламли озодалик ишлари амалга ошириляпти.

Навоий шаҳридаги “Матонат” маҳалласида ҳашар уюшқоқлик билан ўтказилди. Айниқса, ҳашарда ижтимоий муҳо-фазага муҳтож қатлам — ёлғиз кекс-салар, ногиронлиги бўлган шахслар ва “Аёллар дафтари”даги эҳтиёж-манд фуқароларга амалий ёрдам кўрсатилди. Уларнинг уй-жойларини таъмирлаш, яшаш шароитини яхшилаш ишлари маҳалладаги ҳамжиҳатлик, меҳр-оқибат ва инсонпарварлик анъаналарининг ҳаётий ифодасига айланди. “Жанубий” маҳалласида ҳам

кенг кўламли ободонлаштириш ишлари бажарилляпти. Ҳашар доирасида 0,4 гектар ер майдони тозаланди, 1 тоннага яқин чиқинди чиқарилиб, атроф-муҳит саранжом ҳолга келтирилди. Юмушларга 2 та махсус техника воситаси жалб қилинди. Қолаверса, юзлаб ду-рахтларга шакл берилди. Болалар учун мўлжалланган 3 та майдонча таъмирланиб, ариқлар тозаланди.

Ҳашар нафақат ҳудудни обод қилиш, балки меҳр-оқибатни кучайтириш воситаси ҳамдир. Шу муносабат билан ижтимоий хи-моёнга муҳтож фуқароларга ёрдам кўрсатиш ишлари йўлга қўйилди.

Хусусан, маҳаллада яшовчи Гул-фина Вафоеваннинг уйи ҳомийлар кўмағида таъмирлаб берилди.

Шу зайдда “Ҳаёт” маҳалласида ҳам эрта тонгдан аҳоли вакиллари умумий ободончилик ишларига ҳисса қўиш ниятида кўчага чиқ-ди. Жараёнда уйлар олди бегона ўтлардан тозаланди, дарахтларга шакл берилди, ариқлар тозаланди. Болалар майдончаси таъмирланиб, ўйин майдонлари ранг-баранг бўёқлар билан янгиланди.

Ободонлаштиришдан ташқари, маҳаллада ижтимоий аҳоли оғир бўлган хонадонларга ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Жумладан, Барҳаёт кўчасида истиқомат қилувчи Севара Назарованиннг ҳолати ўрганилиб, унга амалий ёрдам кўрсатилди. Турмуш ўртоғи меҳнатга ярқоксиз, у “Аёллар даф-тари”га киритилган. Оиланиннг хона-дониди таъмирлаш ишлари амалга оширилди. Шунингдек, ҳашар йўли билан Нигора Полвнованнинг уйи-ни таъмирлаш режалаштирилди.

— Ҳар бир хонадонда ободонлик бўлса, маҳаллада тинчлик ва ҳам-жиҳатлик бўлади — дейди маҳалла раиси Музаффар Худойбердиев.

— Ҳашар орқали нафақат ҳудуд тозаланилти, балки инсонлар ўртасида меҳр-оқибат, ёрдамга тайёрлик каби қадриятлар яна-да мустаҳкамланилти. Бу каби ташаббуслар юрtdаги ободонлик ва инсонийлик рамзи сифатида кўнгиллarga қувонч улашлти.

Умумхалқ ҳашари вилоятдаги барча маҳаллаларда қизғин давом этмоқда.



Янги қонун билан суд қарорларини ижро этиш босқичида ДАЪВОНИ ТАЪМИНЛАШ ИНСТИТУТИ жорий этилади.



ПРЕЗИДЕНТ ФАРМОНИГА АСОСАН, қишлоқ хўжалиги соҳасида рақамли технологиялар жорий этилади.



КРЕДИТ БИТИМИНИ ТУЗИШ ТАҚИҚЛАНГАН ШАХСЛАР реестрини юритиш тартиби белгиланди.

Mahalla

№68-69 | 2025 йил 23 АВГУСТ, ШАНБА

3

БУХОРО ВИЛОЯТИ:



Хашардек қадимий Бухоро янада файзли бўлди, баракаси ёғилди



Хашар — ҳамжиҳатлик ва барака асоси. Бундай тадбирларда халқимиз бирлашади, натижада аҳиллик ва ҳамжиҳатлик янада ортади. Жамоатда барака бор, дейилганидек, кўпчилик бўлиб меҳнат қилинса, ишда унум ва барака ҳосил бўлади.



Бундан ташқари, ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалар ва ёлғиз кексалар ҳолидан хабар олинди. Уларнинг уй ишларига кўмаклашилди, озик-овқат маҳсулотлари ва зарур ёрдамлар

етказиб берилди. Бирдамлик ва меҳр-оқибат руҳида ўтаётган мазкур хайрия тадбири аҳоли қалбида байрамона кайфият уйғотиб, юртимиз мустақиллигининг 34 йиллигига муносиб тухфа бўлмоқда.

Бундан ташқари, Бухоро туманида ҳам хайрия хашари жўшқин кайфиятда давом этяпти. “Гулшанобод” маҳалласида эзгу тадбир давомида “маҳалла еттилиги” вакиллари ҳамда ёшлар “Навхас Ато” қабристонини ободонлаштириш ишларида фаол иштирок этди. Хашардан сўнг ёзилган дастурхон атрофида йиғилган нуронийлар халқимизнинг азалий қадриятлари, урф-одат ва анъаналари ҳақида сўзлаб беришди. Суҳбат асносида хашарнинг дўстлик ва бирдамлик учун хизмат қилиши ҳам мисоллар ёрдамида тилга олинди. Бу каби ҳамжиҳатликда меҳнат қилиш, дастурхон атрофида жам бўлиш ёшлар тарбиясида муҳим ўрин тутиши аниқ.



“Обод ва файзли маҳалла — юрт кўрки” шиори остида умумхалқ хайрия хашари дастури доирасида Бухоро шаҳар “Шайхон” маҳалласида катта бунёдкорлик ишлари амалга оширилди.

Маҳалла аҳли, нуронийлар, ёшлар ҳамда фидойи ҳомийлар бир ёқадан бош чиқариб, эзгу мақсад йўлида ўз ҳиссаларини қўшпти.

Ушбу хайрли ташаббус доирасида уй-жой-га муҳтож, “Ижтимоий ҳимоя ягона реест-

ри”да турадиган хонадон вакиллари учун замонавий талабларга тўлиқ жавоб берадиган, барча қулайликларга эга бўлган янги уй барпо этилди. Қурилиш ишлари, асосан, хашар ва ҳомийлик асосида олиб борилиб, қисқа муддат ичида мустаҳкам, шинам ва файзли маскан қад ростлади ва янги уй ўз эгаларига тантанали равишда топширилди.

Шу билан бирга, мазкур хайрли иш маҳалла ҳаётига файз ва барака олиб кириши, ёшлар учун ибрат бўлиши ва келажакда ҳам бундай эзгу амалиётлар кенг қўламда давом эттирилиши шубҳасиздир.

Шу каби тадбирлар шаҳарнинг бошқа маҳаллаларида ҳам кўтаринки кайфиятда давом этмоқда. Қилинган меҳнат ҳудудларнинг янада кўркам тус олишига хизмат қилляпти.



ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИ:

Бирдамлик, ҳамжиҳатлик кўнгилининг чироғи, янги масканларнинг пойдеворидир



Хашар кунлари Қамаш туманида “Янги Ўзбекистон” массиви қурилиши расман бошланди.

Мазкур лойиҳа тумanning “Оқғузар” маҳалласи

ҳудудида жойлашган 66 гектар майдонда амалга оширилаётган бўлиб, у келажакда аҳоли учун барча шарт-шароитларга эга замонавий тураржой ва ижтимоий инфратузилмани ўз ичига олган янги шаҳарчани ташкил этади.

Давлатимиз раҳбарининг Қашқадарё вилоятига ташрифи давомида Қамаш туманида аҳоли турмуш даражасини янада ошириш бўйича

аниқ вазифа ва устувор йўналишлар белгилаб берилган эди. Мазкур массив қурилиши айнан шу вазифалар ижроси доирасида амалга оширилаётган кенг қўламли ишларнинг амалий ифодасидир.

Қурилишнинг биринчи босқичида 7 қаватдан иборат 32 та уй барпо этилиши режалаштирилган бўлиб, жами 952 хонадон фойдаланишга топширилади. Ушбу уйлар барча зарур коммуникациялар — табиий газ, электр энергияси, ичимлик сув ва марказлашган канализация тизими билан таъминланади. Шунингдек, замонавий инфратузилма доирасида ҳар бир хонадонга оптик интернет ва видеоқўзғатув тизимлари улашиши кўзда тутилган.

Тураржойлар билан бир қаторда массив ҳудудида мактаб, болалар боғчаси, клиника, маданият маркази, спорт мажмуаси, истироҳат боғи, автошоҳбекат, яшил ҳудудлар ҳамда тикувчилик фабрикаси қурилиши белгиланган. Бу эса фуқаролар учун нафақат қулай яшаш шароити, балки иш ўринлари, таълим, тиббий хизмат ва дам олиш имкониятларини ҳам яратади.

Лойиҳа очирилиши муносабати билан ўтказилган тадбирда Қашқадарё вилояти ҳокимлиги, мутасадди ташкилот раҳбарлари, маҳалла фаоллари, қурувчилар ва нуронийлар иштирок этди. Тадбир давомида мазкур массив нафақат Қамаш тумани, балки бутун вилоят аҳолиси учун замонавий ва фаровон ҳаёт сари муҳим қадам экани таъкидланди.



Хашар — халқимизнинг эзгу қадриятларидан бири бўлиб, у эл-юртнинг бирдамлиги ва ҳамжиҳатлигининг ёрқин ифодасидир. Бугун ҳам ушбу анъана янги мазмун касб этиб, ободонлаштириш, атроф-муҳитни тозалаш, маҳалла ва масканларни янада чиройли қилиш йўлида муҳим аҳамият касб этмоқда.

Туман бўйлаб барча ташкилот ва муассасалар, маҳалла гузарлари ҳамда жамоат жойларида тозалаш ишларига катта аҳамият қаратилди. Аҳоли ҳамжиҳатлигида ички йўллارни таъмирлаш, қабристонларни обод этиш, йўл ёқаларини тартибга келтириш, ариқларни тозалаш каби эзгу ишларда фаол қатнашди. Натижада нафақат ҳудудларнинг кўрки очилди, балки юртдошларимизнинг қалбларида меҳр-мурувват ва бирдамлик туйғуси янада мустаҳкамланди.

Шунингдек, хашарларда инновацион ёндашув ҳам кузатилди. Жумладан, тумандаги 55 та “маҳалла еттилиги” ходимлари тадбирларда “Zoom” платформаси орқали онлайн тарзда ҳам иштирок этишди. Бу эса хашар жараёнларига замонавий руҳ олиб кирди.

Янги Ўзбекистонда хашар — бу фақатгина ободонлаштириш ишлари эмас, балки дўстлик, меҳр-оқибат, бирдамлик, поклик ва ҳамжиҳатлик каби эзгу фазилатларни тараннум этувчи улғу қадриятдир. Зеро, масканларимиз ободлиги — кўнгилларимиз чароғонлиги демакдир.





Инвестиция платформаларидан “ТАРТИБГА СОЛИШ ҚУМДОНИ” махсус ҳуқуқий режимда фойдаланишга рухсат берилади.



Аҳолига ихтисослаштирилган НЕВРОЛОГИК ЁРДАМ КЎРСАТИШ САМАРАДОРЛИГИ оширилади.



Президент фармонида кўра, Судьялар олий мактаби негизда ОДИЛ СУДЛОВ АКАДЕМИЯСИ ташкил этилади.

ТОШКЕНТ ШАҲРИ:



“ОБОД ВА ФАЙЗЛИ МАҲАЛЛА – ЮРТ КЎРКИ”

Ҳашар бош шаҳарни безади

Ҳашар асрлар давомида ажодлардан қолган, ҳозиргача қадри йўқолмаган энг эзгу аъналардан бири ҳисобланади.



Юртимизда ҳар йили уюшган ҳолда ўтказиладиган умумхалқ ҳашарида катта-кичик, ёш-қарини бирдек меҳнат қилаётганини кўриб, ҳақиқий бирдамлик ва ҳамжиҳатлиқни ҳис қилиш мумкин. 22 август куни эрта тонгдан ҳашар бошланди. Кўча ва хиёбонлар, аҳоли турар жойлари ободонлаштирилиб, дарахтлар оқланиб, ариқ ва лотоклар чиқиндилардан тозаланмоқда. Пойтахтимизнинг Бектемир туманида жойлашган “Мажнунтол” маҳалла фуқаролар йиғини аҳолиси ҳам ҳашарни уюшқоқлик билан ўтказмоқда. Мазкур маҳаллада 7 минг 432 нафар аҳоли яшайди. Бугунги ҳашарда эса 600 нафардан ортиқ фуқаро иштирок этди.

— Ҳашар – ота-боболаримиздан қолган яхши одат. Шу

боис, мен меҳнатга қўшилган ҳар бир томчи терни келажак авлод учун қоладиган мерос деб биламан. Чунки, қим журтини яхши кўрса, белини букиб меҳнат қилади, — дейди маҳалла раиси Дилдор Мустафоқуллова. — Бир дарахт экилса, эртага болалар соясида ўйнайди, бир ариқ тозаланса, бутун маҳалла сувдан баҳраманд бўлади.

Ҳашар жараёнида Роҳат, Чексарой, Мотуридий, Қозиён ва Барданқул кўчаларида ободонлаштириш ишлари амалга оширилди. 1 километрдан ортиқ лотоклар тозаланиб, дарахтлар оқланди. Уйлар олдидаги бегона ўтлар юлинди. Электр симларига халакит қилаётган дарахт шохлари кесилиб, ҳокимиятдан ажратилган махсус тракторлар ёрдамида олиб кетилди.

Ҳашар – бу нафақат тозалик ва ободлик, балки халқимизнинг асрлар оша давом этиб келаятган бирдамлиги, меҳри ва қўшничилик аъналарининг ёрқин ифодаси.

Ота-боболаримиздан мерос асрий урф-одат, халқни яқдилликка, бирдамликка чорловчи, меҳр-оқибатни янада мустаҳкамловчи, эзгуликни тараннум этувчи унутилмас қадрият — ҳашар орқали ҳудудларни ободонлаштириш, эҳтиёжмандларга ёрдам кўрсатиш аъна тусини олган.

“Обод ва файзли маҳалла – юрт кўрки” шиори остида бўлиб ўтаётган умумхалқ хайрия ҳашари Янгиҳаёт туманидаги маҳаллаларда ҳам уюшқоқлик билан ташкил этилмоқда. Жумладан, “Гулшан-обод” маҳалласида ўтган ушбу эзгу тадбирда 278 нафар аҳоли фаол қатнашмоқда.

Улар томонидан 41 та кўп қаватли уйлар худуди тартибга келтирилади, кириш йўлаклари, зинапоё ва лифтлари тозаланади. 2 та чиқинди йиғиш ҳамда 18 та болалар майдончаси ҳудуди ободонлаштирилади. 300 тупга яқин дарахтлар ва кўчатларга шакл берилди.

Ҳашар давомида ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли вакиллари эътибордан четда қолмади. 10 нафардан зиёд кам таъминланган оиланинг уй-жойи таъмирланди. 16 нафардан ортиқ ёлғиз кекса ва ногиронлар, 20 та эҳтиёжманд оилага ёрдам кўрсатилиб, қўлтиқтаёк, эшитиш мосламалари, ногиронлик аравачаси ва бошқа турдаги воситалар тақдим этилди.



НАМАНГАН ВИЛОЯТИ:

Саховат ҳам, кўркамлиқ ҳам кўнгил ободлигидан

Юртимизнинг барча гўшаларида бўлгани каби Учкўрғон туманида =fv умумхалқ хайрия ҳашари қизгин тарзда ўтказилмоқда.

Туман ахли, маҳалла фаоллари, давлат ва жамоат ташкилотлари ходимлари, ёшлар ҳамда нурунийлар бир ёқадан бош чиқариб ҳашарда иштирок этмоқда. Маҳаллалардаги кўп қаватли уйлар атрофи, кўча ва хиёбонлар, зиёратгоҳлар ва қабристонлар тозаланди ҳамда тартибга келтирилди. Янги дарахт ва гул кўчатлари ўтқазилди, мавжуд яшил ҳудудларга чиройли шакл берилди.

Жараёнда ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалар, ёлғиз кексалар ҳолидан хабар олинди, уларга озиқ-овқат маҳсулотлари ва зарур ёрдамлар кўрсатилди. Жумладан, бир неча йиллардан бери касаллик сабаб юра олмай қолган “Қаттамуғол” маҳалласида яшовчи Хатичахон Қодирова ҳамда “Қамбағал оилалар реестри”да турувчи, доимий даволанишга муҳтож Манзура Тожибоева ҳолидан хабар олиниб, моддий ва маънавий қўллаб-қувватланди.

— Умумхалқ ҳашари шуниси билан аҳамиятлики, кам таъминланган ижтимоий ҳимояга муҳтож, эҳтиёжманд, боқувчисини йўқотган, вояга етмаган фарзандлари бўлган оилалар қўллаб-қувватланади, — дейди Манзура Тожибоева. — Мен бир неча йиллардан бери беморман. Лекин доимо маҳалла эътиборини, саховатли инсонлар меҳрини ҳис қилиб тураман. Айниқса, умрбоқий удумизга кўра, ўзида меҳр-саховат ва одамийликни жам этган ҳашар муносабати билан йўқлаб келишганидан кўнглим тоғдек юксалди.

Ҳашар доирасидаги эзгу ишлар туманининг барча маҳаллаларида давом этмоқда.



Мамлакатимиз мустақиллигининг 34 йиллик тантаналарига муносиб тайёргарлик кўриш мақсадида ўтказиляётган умумхалқ хайрия ҳашари Наманган вилоятида уюшқоқлик билан давом этмоқда.



Мазкур тадбирда маҳаллалар, аҳоли турар жойлари, хиёбонлар, зиёратгоҳлар, қабристонлар ва болалар майдончалари тартибга келтирилмоқда. Шу билан бирга, “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасида кўаламзорлаштириш ишлари олиб борилмоқда. “Маҳалла еттилиги” ходимлари кўчаларга бириктирилиб, “кўчабай” ишлар ташкил этилмоқда.

Тадбирларни самарали ўтказиш учун Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси вилоят бошқармасида мувофиқлаштириш штаби тузилиб, шаҳар ва туманлардаги ҳашар жараёни таҳлил қилиб борилмоқда.

Режага кўра, 754 та маҳалла, 121 та аҳоли пункти, 2 363 та кўп қаватли уй, 417 мингдан

зиёд ҳовли, 342 та гузар, 18 та хиёбон, 43 та зиёратгоҳ, 676 та қабристон, 7 017 та кўча, шунингдек, 1 298 та болалар ва спорт майдончалари ободонлаштирилади. 3,9 миллионга яқин дарахтлар оқланиб, таги юмшатилиб, суғорилади. 518 нафар эҳтиёжманд оилалар, 14 880 нафар боқувчисиз қолган кекса ва ногиронлиги бўлган фуқаролар ҳолидан хабар олинади. 19,2 мингдан зиёд фуқароларнинг уй-жойлари тозаланиб, 754 нафарининг уйлари таъмирлаб берилди.

Маҳаллалар ҳудудидаги йўл бўйлари бегона ўтлардан тозаланмоқда, сув йўллари раво ҳолатга келтирилмоқда, дарахтларга шакл берилиб, остки қисми оқланмоқда.

Ҳашарда ободонлаштириш бошқармаси ишчилари, ёшлар, маҳалла фаоллари ҳамда барча ташкилотлар фаол иштирок этмоқда.

“Обод ва файзли маҳалла – юрт кўрки” шиори остида ўтаётган хайрия ҳашари Уйчи тумани маҳаллаларидакўтаринки кайфиятда ўтказиляпти.

Хусусан, “Янгиер” маҳалласи ҳудудида кенг қўламда ободонлаштириш ишлари амалга оширилмоқда. “Маҳалла еттилиги” ходимлари кўчаларга бириктирилиб, “кўчабай” ишлар ташкил этиляпти. Жараёнда йўл бўйлари бегона ўтлардан тозаланмоқда, сув йўллари раво ҳолатга келтирилмоқда. Айниқса, ҳашарда ёшлар вакиллари ва маҳалла фаоллари кўтаринкилик билан иштирок этаётир.

Туман ҳокимлиги ташаббуси билан ҳомийлар иштирокида ижтимоий ҳимояга муҳтож камбағал, ногиронлиги мавжуд оилалар, ёлғиз кексалар ҳолидан хабар олиниб, уларга озиқ-овқат маҳсулотлари ва зарур ёрдамлар тақдим этилди.

Бир сўз билан айтганда, бирдамлик ва меҳр-оқибат руҳида ўтаётган мазкур хайрия тадбири инсонлар қўлғида байрамона кайфият уйғотиб, Ватанимиз мустақиллиги байрамига муносиб тўхфа бўлмоқда.





Тадбиркорларга мобил тўлов иловаларининг ҳаммасига ўтадиган УНИВЕРСАЛ QR-КОД БЕРИЛАДИ.



“АФРОСИЁБ” ТЕЗЮРАР ПОЕЗДЛАРИДА Wi-Fi хизмати йўлга қўйилди. Унинг дастлабки 30 дақиқаси бепул.



Остона шахрида ЎЗБЕК-ҚОЗОҚ ИЛМИЙ-ИЖОДИЙ ЗИЁЛИЛАРИНИНГ БИРИНЧИ ФОРУМИ ўтказилди.

Mahalla

№68-69 | 2025 йил 23 АВГУСТ, ШАНБА

5

ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ:



“ОБОД ВА ФАЙЗЛИ МАҲАЛЛА – ЮРТ КЎРКИ”

Қадриятлар ўзликни англади, китоблар илмга ташналикни

Риштон туманидаги “Қошқайрон” маҳалласининг аҳолиси учун янги — маҳалла кутубхонаси иш бошлади.

Мазкур маҳалла Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Фуқаролик жамияти институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонднинг 50 миллион сўмлик грантини қўлга киритган бўлиб, ушбу маблағ ҳисобидан кутубхона ташкил этилди. Тантанали очилиш маросимида Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси Фарғона вилояти бошқармаси, туман ҳокимлиги масъулари, нуронийлар ва маҳалла фаоллари иштирок этди.

Янги кутубхона маҳаллада китобхонлик муҳитини янада ривожлантириш, ёшларни маънавий-маърифий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш ва аҳолига кенг қўламли маънавий хизмат кўрсатиш имконини беради.

– Бугун маҳалламизда очилган кутубхона нафақат китоблар ўқиш, балки ёшларни маънавий камол топтириш, уларда китобга муҳаббат уйғотиш, эркин фикрлай оладиган ёшларни тарбиялашда муҳим маскан бўлиб хизмат қилади, – дейди “Бувижонлар мактаби” раҳбари, маҳалла фаоли Б. Саидова. – Ҳозирги кунда ҳар бир оилادا китобга эҳтиёж юқори. Кутубхонада яратилган имкониятлар эса бу эҳтиёжни тўлиқ қондиришга замин яратади. Шунингдек, биз бу ерда турли адабий кечалар, ёш ижодкорлар билан учрашувлар ҳамда маънавий-маърифий тадбирларни ташкил этишни режалаштирганмиз.



Мустақиллигимизнинг 34 йиллиги арафасида “Обод ва файзли маҳалла – юрт кўрки” шиори остида ўтказилаётган умумхалқ хайрия ҳашари Фарғона вилоятидаги 1 015 та маҳаллада кўтаринки руҳда бошланди.

Мафтуна МАМАСИДДИҚОВА,
Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси
Фарғона вилояти бошқармаси матбуот котиби.

Бирдамлик, ўзаро меҳр-оқибат, саховат, ўзгалар оғирини енгил қилишдек эзгу тушунчаларни ўзида мужассам этган қадриятлардан бири – ҳашардир. Бундай ҳашарлар аҳолининг бирдамлигини, маҳалланинг янада обод ва файзли бўлишини таъминлашга хизмат қилади. Мазкур хайрия ҳашарида ҳам ана шундай қадриятлар буй кўрсатди.

Кува туманидаги “Қақир” маҳалласи масъуллари аҳолини тонг саҳардан карнай-сурнай содала-

ри остида ҳашарга чорлади. Куваасой шахридаги “Қалача” маҳалласи одамлари эрта тонгдан бирлашиб, умумхалқ хайрия ҳашар ишларига киришди. Маҳалладошлар ишни, аввало, маҳалла қабристонини обод қилишдан бошлади. Шунингдек, ҳашар муносабати билан маҳалла кўчалари, хонадонларда ободонлаштириш тадбирлари амалга оширилди. Якка-ёлғиз, боқувчисини йўқотган оилалар ҳолидан хабар олиниб, уларга ҳомийлик ёрдамлари улашилди.

Сўх туманидаги “Ленбур” маҳалласида ҳашар уюшқоқлик билан давом этди. Маҳалла фаоллари ва нуронийлар маслаҳатлашиб, қабристонни обод қилишди. Барча ленбурликлар ушбу эзгу ишда фаол иштирок этяпти. Қабристон атрофи тозала-

ниб, ҳудуд ободонлаштириляпти.

Фарғона шахридаги маҳалла-ларда ҳам умумхалқ хайрия ҳашари ташкил этилди. Ҳашарда маҳалла аҳли кўча ва ҳовлилар атрофини ободонлаштириш, кўкаламзор-лаштириш ишларини амалга ошир-моқда.

Умумхалқ хайрия ҳашари на-фақат ободлик, балки халқимизга хос азалий қадриятларнинг тантана-сига айланиб бормоқда. Ватанимиз мустақиллигининг 34 йиллиги ҳамда умумхалқ хайрия ҳашари муносаба-ти билан Олтиариқ туманида хайрли ташаббусга қўл урилди.

Туман ҳокимлиги, Маҳаллалар уюшмаси туман бўлими ҳамда Оила ва хотин-қизлар бўлими ҳамкор-лигида ижтимоий ҳимояга муҳтож, камбағаллик рўйхатида турувчи оилалар фарзандларига янги ўқув йили учун ҳомийлик маблағлари ҳи-собидан мактаб кийимлари ва ўқув қуроллари топширилди. Натижада тумандаги 600 нафар болага қувонч улашилди.

Мактаб кийимлари ва совғалар-ни топшириш маросимида вилоят ҳокимлиги, Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси Фарғона вилояти бошқар-маси масъуллари иштирок этиб, болаларга эзгу тилақларини билди-ришди.

Икки кунлик умумхалқ хайрия ҳашари давомида вилоятдаги барча маҳаллаларда, 1 450 та аҳоли пунк-ти, 3 756 та кўп қаватли тураржой, 3 200 та ҳовли, 1 575 та гузар, 62 та хиёбон, 159 та зиёратгоҳ, 973 та қабристон, 7 827 та кўча ҳамда 2 083 та болалар ва спорт майдон-часи тартибга келтирилади. 815 минг 616 та даррахт оқланиб, таги юмшатилиб, суғорилади.

Шунингдек, ижтимоий ҳимояга муҳтож 1 271 нафар эҳтиёжманд оила, 633 нафар боқувчисиз қолган кекса ва ногиронлиги бўлган фуқаро ҳолидан хабар олинади. 3 026 на-фар фуқаронинг уй-жойи тозаланиб, тартибга келтирилади. Яна 1 015 нафар фуқаронинг уй-жойи таъмир-лаб берилди.



ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ:

Сўзида ва қалбида эзгу амал мужассам, кексаю ёш бирлашиб, бир жойда бўлсалар жам



“Обод ва файзли маҳалла – юрт кўрки” шиори остида ўтказилаётган ҳашар Хоразм вилоятида уюшқоқлик билан ташкил этиляпти. Маҳаллаларда ободонлаштириш, тозалик ва бунёдкорлик ишлари кенг қўламда олиб бориляпти. Албатта, ёшу қари ҳамжиҳатликда амалга ошираётган бундай саъй-ҳаракатлар юртимиз кўркини янада оширишга хизмат қилади.

Эрта тонгдан Урганч туманидаги барча маҳаллаларда ободонлаштириш, ариқ-зовурларни чиқиндилардан тозалаш, йўл ёқаларида қуриган даррахтлар ўрнига манзарали даррахтлар экиш ишлари бошлаб юборилди. Бу жа-раёнда “маҳалла еттилиги” ходим-лари кўчама-кўча бириктирилиб, “кўчабай” ишлар ташкил қилди.

Янгибозор туманидаги маҳал-лаларда ҳам ишлар қизгин. Кўп

қаватли тураржойлар, ҳовлилар атрофи, қабристонлар, зиёратгоҳ, кўча ва йўлақлар ободонлашти-рилди. “Янгиёп” маҳалласида 22 та кўча, ариқ ва зовурлар чиқиндилардан тозаланиб, даррахт-лар оқланди. Уйларнинг ташқи қисми бўялди. “Камбағал оилалар реестри”да турган иккита кам таъминланган оиланинг хонадони таъмирланиб, бўялди.

“Қиёт” маҳалласининг Ҳосилот кўчасида яшовчи II гуруҳ ногирони Феруза Абдуллаеванинг хонадони ҳашар йўли билан ободонлашти-рилиб, ташқи девори таъмирланди.

“Юқори Бошқир” маҳалласида яшовчи кам таъминланган, ноги-ронлиги бўлган Ҳ.Давлетов хона-донни ҳомийлар кўмагида таъмир-ланди, эскирган деразалари янги-сига алмаштирилди. “Оча қалъа” маҳалласида яшовчи Қ.Бозорбоев ҳамда “Ширинлар” маҳалласининг Истиклол кўчасида яшовчи Али-шер Исоқов хонадонларининг том қисмини шифер қилишга кўмакла-шилди.

Ҳазорасп тумани аҳолиси ҳашар ишларини бирдамликда, уюшқоқлик билан ўтказяпти. Ҳашар давомида аҳоли уйлари

кириш йўлақлари саришта қили-ниб, хонадонлар атрофи бегона ўтлардан тозаланиб, қуриб қолган даррахт шохлари олиниб, шакл бе-рилди. Шунингдек, ариқлар ҳамда қабристонларда тозалаш ишлари бажарилди.

Маҳаллаларда аҳоли ту-раржойлари, гузарлар, хиёбонлар, зиёратгоҳлар, мўътабар масканлар, болалар майдончалари тартибга келтирилди.

Икки кунлик хайрия ҳашар давомида вилоят миқёсидаги 509 та маҳалла, 754 та аҳоли пункти, 1 900 та кўп қаватли тураржой, 366 минг 264 та ҳовли, 75 та гузар, 41 та хиёбон, 64 та зиёратгоҳ, 585 та қабристон, 8 571 та кўча ҳамда 331 та болалар ва спорт майдончаси тартибга кел-тирилади. 2,5 миллионга даррахт оқланиб, ишлов берилди.

Шунингдек, ижтимоий ҳимояга муҳтож 1 018 нафар эҳтиёжманд оила, 315 нафар боқувчисиз қол-ган кекса ва ногиронлиги бўлган фуқаро ҳолидан хабар олинади. 315 нафар фуқаронинг уй-жойи тозаланиб, тартибга келтирилади. Бундан ташқари, 509 та маҳал-ладаги 509 нафар фуқаронинг уй-жойи таъмирланади.

Бир сўз билан айтганда, ҳу-дудларда ташкил этилган ҳашар маҳаллаларимиз кўркига янада кўрк қўшиб, аҳоли руҳиятига ўзгача кўтаринки кайфият бағиш-ламоқда.

Ўзбекистон
маҳаллалари уюшмаси
Хоразм вилояти бошқармаси.

Бу йилги ҳашар ишларида ёшлар алоҳида фаоллик кўрса-тишди. Улар ёши улуг инсонлар, маҳалла фаоллари билан елкама-елка туриб, маҳаллалар ободлигига ўз ҳиссасини қўшишди.



Пурлан туманидаги “Нуробод” маҳалласида ташкил этилган умумхалқ ҳашарида ёшлар фаол иштирок этиб, ўзаро ҳамжиҳатлик ва бирдамлик намуналарини кўрсат-ди. Ҳашар давомида кўчалар тозаланди, даррахтлар буталан-ди, жамоат жойлари ободонлаштирилиб, атроф-муҳит янада файзли кўринишга келтирилди. Қувонарлиси, бундай тадбирлар нафақат атроф-муҳитни обод қилиш, балки юртдошларимиз орасидаги меҳр-оқибат ва тотувликни мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Янгиариқ туманидаги Шайх Мухтор Валий зиёратгоҳида “Қўшлок” ва “Остона” маҳаллалари ёшлар етакчилари ва кўнгил-ли ёшлар иштирокида умумхалқ хайрия ҳашари ташкил этилди. “Чиқирчи” маҳалласидаги Саидмурод Эшон бобо қабристониди ҳам ёшлар етакчилари бошчилигида хайрли иш амалга оши-рилди. Ёшлар якка ёлғиз кексалар ҳолидан хабар олишиб, уй юмушларига кўмаклашди.



Янги қонун лойиҳасига кўра, мансабдор шахс айби билан ЕТКАЗИЛГАН ЗАРАР УНИНГ ЎЗИДАН УНДИРИЛАДИ.



Ҳукумат қарори билан электротехника маҳсулотларида ХАВФЛИ МОДДАЛАРНИ ИШЛАТИШ ЧЕКЛНАДИ.



Ўзбекистонда Хитой билан ҳамкорликда “ZOOMLION” ТРАКТОРЛАРИ ИШЛАБ ЧИҚАРИЛА БОШЛАНДИ.

СИРДАРЁ ВИЛОЯТИ:

“ОБОД ВА ФАЙЗЛИ МАҲАЛЛА – ЮРТ КЎРКИ”

“Янги авлод” ҳашарда фаол бўлди



Боёвут туманидаги “Янги авлод” маҳалласида умумхалқ хайрия ҳашари ўтказилди. Тадбирда аҳоли фаол иштирок этиб, кўчалар тозаланди, жамоат жойлари ободонлаштирилди.

Ғулом ПРИМОВ, журналист.

Хашар доирасида маданий-маърифий тадбирлар ҳам ўтказилди. “Соғлом ҳаёт учун 5000 қадам” шиори остида спорт мусобақалари, кекса авлод вакиллари иштирокида болажонлар учун маънавий суҳбатлар ташкил этилди. Маҳалланинг фольклор жамоаси томонидан тинчлик ва осойишталикни улуғловчи қўшиқлар янгради.

Маҳаллада 6 800 нафар аҳоли истиқомат қилади. Улар орасида ёшлар ҳам, нуруний кексалар ҳам бор. Хотин-қизлар фаоли Феруза Қубаеванинг таъкидлашича, аҳолининг катта қисми масофа яқинлиги сабабли Гулистон шаҳрида тадбиркорлик, савдо-сотиқ ва ишлаб чиқариш билан шуғулланади. “Аёллар дафтари”га киритилган хотин-қизларнинг кўпчилиги ҳоким ёрдамчиси кўмағида имтиёзли кредит олиб, хонадонларида иссиқхоначилик, паррандачилик ва касаначилик йўналишида ўз фаолиятини йўлга қўйган. Жорий



йил шу давригача 94 нафар фуқаро касб-хунарга йўналтирилди, 124 нафар хотин-қиз тикувчилик, пазандачилик, сарторошлик каби йўналишларда ишламоқда.

— Ҳоким ёрдамчиси кўмағида “Ишга марҳамат” мономарказида тикувчиликни ўргандим, — дейди маҳалла аёлларидан Мухаббат Алибекова. — Давлат берган имкониятдан фойдаланиб, ўз ишимни бошладим. Бугунги кунда нафақат ўзим ишлаяпман, балки шогирдларимга хунарни ўргатайман.

Шундай қилиб, боёвутликлар юрт тинчлиги ва мустақиллигимизнинг 34 йиллик байрами-ни қизғин меҳнат, ободончилик ишлари билан муносиб кутиб олмоқда. Умумхалқ ҳашарида амалга оширилган ҳар бир иш, ҳар бир саъй-ҳаракат – Ватанга муҳаббат ва келажакка сардорнинг амалий ифодасидир. Бирдамлик ва ҳамжихатлик ҳукм сурган жойда барқарорлик, фаровонлик ва тараққиёт мустаҳкамланади.

СИЗНИНГ ҚАНДАЙ ТАШАББУС ВА ТАЖРИБАНГИЗ БОР?

Бандликни таъминлашда тажриба асқатади

“Маҳалла еттилиги” ходимлари зиммасига қўйилган асосий вазифалардан бири – фуқаролар йиғинини ишсизликдан холи ҳудудга айлантириш. Бу йўналишда манзилли режа тузиб олганмиз. Туман маҳаллаларига масъул этиб бириктирилган тижорат банклари ходимлари билан ҳамкорликда томорқа ва ижара асосида ажратилган ер майдонларидан юқори даромад олишга эришилмоқда.



Азамжон ҚЎҚОНБОВ, Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси Оқолтин тумани бўлими бошлиғи.

Сайхунбод, Уйчи туманлари тажрибалари асосида “Омбор китоби”га киритилган ишсизларнинг барчаси банд қилинди. “Шодлик”, “Саховат”, “Андижон”, “Янги Тошкент” маҳаллаларида яшовчи 96 нафар фуқарога 885 млн. сўм миқдорда кредит ажратилди. Бундан ташқари, Алишер Навоий номидаги, “Қўркам дийёр”, “Мустақиллик”, “Обод”, “Янги давр” маҳаллаларидаги 57 та хонадонга 1 074 млн. сўм маблағ берилиб, 89 нафар аҳоли бандлиги таъминланди. Томорқадан омилкорлик билан фойдаланиб, юқори даромад топаётганлар сони кун сайин ортмоқда. Бу оилаларнинг фаровонлигини таъминлашга, озиқ-овқат хавфсизлиги

барқарор бўлишига, нарх-навоининг арзонлашишига ёрдам бермоқда.

“Обод” маҳалласи ҳудудида яшовчи Абдусалим Қўлдошев томорқасидан унумли фойдаланиб, бир сотихлик мўъжазгина иссиқхонада помидор кўчатлари етиштиради. Ташқарида картошка, саримсоқ пиёз ва бошқа кўплаб озиқ-овқат маҳсулотлари учун ер майдони ажратилган. Жами 4 сотих ердан йилига 3 маротаба ҳосил олади. Рўзгордан ортганини бозорга чиқаради.

Дастлаб 5 сотих ерда фаолиятини бошлаган “Янги Тошкент” маҳалласида яшовчи Ўткир Яхшиликнинг ери бугун 15 сотихга кенгайди. Ўтган йили помидордан олинган даромадга уйини таъмирлади. Иккинчи экинга бўлғор қалампирининг харидоригир “Аида” навини экди. Ўрта ҳисобда 20 минг сўмдан

15-16 тонна маҳсулот сотди. Шунингдек, “Тошкент” маҳалласидаги Қўқалдош кўчасида томорқаси 10 сотихдан кўп бўлган хонадонларда эрталаб қовун етиштириш йўлга қўйилди.

“Андижон” маҳалласида ҳам Сайхунбод ва Уйчи туманлари тажрибаси асосида аҳолининг шарт-шароитини яхшилаш, даромадини ошириш, камбағалликдан чиқаришга эришилмоқда. Бунинг учун хатлов орқали 108 та кам даромадли, ишсиз, ижтимоий аҳоли оғир бўлган камбағал оила рўйхати шакллантирилди. Сабаблар ўрганилиб, шунга асосан дастур ишлаб чиқилди.

Аҳолига қарашли бўш турган ва фойдаланилмаётган ер майдонларига тўқсонбости шаклида саримсоқ пиёз ва бошқа экинлар экилди. Ишсиз ва даромадсиз хотин-қизларнинг бандлигини таъминлаш, даромадини ошириш мақсадида паррандачилик, куёнчилик, касаначилик ташкил этилди. Имтиёзли кредит маблағи ҳисобига 16 та 1 сотихли, 1 та 15 сотихли иссиқхона куриб, ишсиз ва даромадсиз аҳоли вакиллари берилди. Кўшимча даромад топиш истагида бўлган 94 нафар ёшга 50 сотихдан ер майдони ажратилди.

Жасурбек Абдусаматов “қўли калталиги”, муқим иш жойи йўқлиги учун иқтисодий жиҳатдан қийналиб қолганди. “Камбағалликдан фаровонлик сари” дастури асосида унга иссиқхона куриб берилди.

Хориждан қайтган Достон Омоновга 2 та 1 сотихли иссиқхона ажратилди. Гулчиликда тажрибаси борлиги учун атир-

гул парваришлашни бошлади. Бундан ташқари, имтиёзли кредит ҳисобидан 5 нафар эҳтиёжманд фуқарога кўмаклашилди. Чорвачилик билан шуғулланиш истагида бўлган 6 нафар талабгорга чорва моллари, компьютер соҳасига қизиқиши бўлган фуқаронинг фарзандига компьютер жамланмаси олиб берилди.

“Обод”, “Бўстон” ва “Навоий” маҳалла фуқаролар йиғинлари ҳудудидан ўтувчи 6 километрдан ортиқ узунликдаги суғориш тармоғи “Камбағалликдан фаровонлик сари” давлат дастури доирасида қайта тикланди.

Лойиҳа доирасида амалга оширилган ишлар сув таъминоти йўқлиги туфайли бўш турган ер майдонларини суғориш имконини яратиб, ҳосилдорликни 1,5-2 баробарга оширди. Муболағасиз, суғориш тизимининг қайта тикланиши катта воқелик бўлди. Чунки энди сув етишмаслиги туфайли бўш турган ерлар даромадли майдонга айланиб, аҳолининг турмуш даражасини оширишга хизмат қилмоқда.

Тизимдаги ислохотлар боис ҳар қандай даражадаги раҳбарлар аҳолига яқинлашди. Мурожаатларга тезкор ечим топиш йўлга қўйилди. Мисол учун, қуни кеча “Обод” ва “Мустақиллик” маҳаллалари аҳолиси учун ташкил этилган сайёр қабулда 2 та мурожаат жойида ижобий ҳал этилди, 8 таси тегишлилиги бўйича масъулларга йўналтирилди, 4 та мурожаат муддат талаб этганлиги сабабли назоратга олинди.

Бир сўз билан айтганда, маҳалла чинакам халқ билан давлат ўртасидаги кўприкка айланди.

Кўплаб эзгу қадриятлар бешиги саналган маҳаллалар бугунги кунда китобхонлиқнинг юксалишига хизмат қилмоқда. Мен ҳам яхши ниятда ташаббус бошладим. Маҳалладошларимга ойлик маошим ҳисобидан 3 миллион сўмлик китоб совға қилдим. Аслида, бу ишни элга овоза қилмоқчи эмасдим. Кейин ўйлаб кўрсам, ташаббусни кенг ёйиш – сафдошларимиз кўпайиб, “китобсевар миллат”га айланишимизга ёрдам бераркан.

Ширингул Тўраева, Оқолтин туманидаги “Саховат” маҳалласи раиси.

Асосий истагим — келажакда маҳалламиздан шоирлар, олимлар, педагоглар, давлатимизга нафитадиган зиёли инсонлар етишиб чиқса, дейман. Бу йўлда асосий дастуруламал, шубҳасиз, бадий китоб мутлоасидир.

Китобларни тарқатар эканман, бундан нафақат мактаб ўқувчилари, балки онахонлар, ёш келинлар ҳам жуда қувонди. Демак, биз кўпроқ маънавий эксонларни кучайтиришимиз керак, деган қатъий хулосага келдим. Ташаббусни келгусида анъанага айлантиришни кўнглимга тугиб қўйдим. Боиси, илм йўлидаги машаққатни таълим вакиллари билан бир қаторда маҳалла масъуллари ҳамда кенг жамоатчилик вакиллари бирдай олиб бориши мақсадга мувофиқ.

Ўқувчиларимиз ва маҳал-

ламиздаги аҳолининг ҳар бир дақиқаси учун биз, жамоатчилик фаоллари масъулмиз. Эътиборсизлик — муаммоларнинг болалашига олиб келади. Имкони борича фарзандларимизни, оналаримизни бадий адабиётга ошно қилишимиз керак. Бу йўлда, аввало, ўзимиз ўрнатқ бўлишимиз лозим. Шу боис оилавий кутубхоналарни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратаймиз. Чунки ҳар бир хонадонда китоб бўлса, ота-оналар китоб ўқиб турса, фарзандлар шундан ўрнатқ олади. Айниқса, оналар, аёллар китобхонлигига алоҳида эътибор бераймиз.

Келажак авлоднинг бахту камоли, осойишта ва фаровон ҳаётида китобнинг ўрни бекиёс. Ёшларни турли салбий иллатлардан асраб, маънавий дунёқарашини кенгайтиришга ёрдам беради. Айниқса, интернет жадал ривожланаётган бугунги кунда ёшларнинг китоб ўқишга қизиқишини ошириш уларнинг вақтини мазмунли ташкил этиб, жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга хизмат қилади.





Миллий статистика қўмитаси: Ўзбекистонда ТАДБИРКОР АЁЛЛАР РАХБАРЛИГИДА 43 860 та кичик корхона ва микрофирмалар бор.



Мусулмонлар идораси: бу йил Вақф фонди томонидан МУҲТОЖ ОИЛАЛАРГА 43 ТА УЙ ҚЎРИБ БЕРИЛДИ.



Жорий йил январь-июль ойларида “СОВАЛТ” АВТОМОБИЛИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ҲАЖМИ ўтган йил мос давридагидан 1,9 фоизга камайди.

ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИ:

“ОБОД ВА ФАЙЗЛИ МАҲАЛЛА — ЮРТ КЎРКИ”

Эл-юрт юмушига бел боғлаган кам бўлмайди



“Обод ва файзли маҳалла — юрт кўрки” шiori остида ўтказилаётган умум-халқ хайрия ҳашари Жиззах вилоятида кўтаринки кайфиятда ўтказилляпти.

Ободонлаштириш ишларида юртдошларимиз фаол иштирок этмокда. Жумладан, 304 та маҳалланинг манзилли режаси ишлаб чиқилди. “Маҳалла еттилиги” ходимлари кўчаларга бириктирилиб, “кўчабай” иш ташкил қилинди. Икки кун давомида эл-юрт юмушига бел боғлаган ҳашарчиларнинг ғайрат-шижоати билан 304 та маҳалла, 538 та аҳоли пункти, 2 450 та кўп қаватли тураржой, 228 минг 318 та ҳовли, 114 та гузар, 237 та хиебон, 50 та зиёратгоҳ,



535 та қабристон, 7 765 та кўча ҳамда 896 та болалар спорт майдончалари тартибга келтирилади. Бундан ташқари, 153 минг 718 туп дарахт ва кўчатларга шакл берилиб, оқланади. Ҳашар куни ижтимоий ҳимояга муҳтож, кам таъминланган, боқувчисини йўқотган оилалар, якка-ёлғиз кексалар ҳам эътибордан четда қолмади. 224 нафар эҳтиёжманд оила, 460 нафар боқувчисиз қолган кекса ва ногиронлиги бўлган фуқаролар ҳолидан хабар олинди. 486 нафар фуқаронинг уй-жойи тозалаб, тартибга кетирилди. Умумхалқ хайрия ҳашари доирасидаги ободонлаштириш ишлари давом этмокда.

СИЗНИНГ ҚАНДАЙ ТАШАББУС ВА ТАЖРИБАНГИЗ БОР?

Барча даражадаги раҳбарлар маҳаллалардаги халқ олдида ҳисобдор

Зомин тумани ўзининг гўзал табиати, фусункор тоғларию бетакрор сойлари, меҳмондўст аҳолиси билан машхур. Сўнгги йилларда амалга оширилаётган ислохотлар аҳоли турмуш даражасини яхшиламокда.

Собиржон ПАРМОНОВ, Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси Зомин тумани бўлими бошлиғи.

Маҳалла тизимида катта ўзгаришлар кузатилди. Мисол учун, яқингача унга моддий ёрдам манбаси, жамоат ишига одамларни жалб қилувчи ва маълумотнома берувчи идора сифатида қаралган бўлса, энди бандликни таъминлаш, камбағаллик ва ишсизликни қисқартириш, ёшлар билан ишлаш, ижтимоий ҳимояга муҳтож фуқароларга манзилли ёрдам кўрсатиш борасида ишончли тузилмага айланди. Бир пайтлар одамлар аризмаган муаммога ечим излаб, дардини кимга айтишни билмай, у идорадан бу идорага юрган бўлса, энди барча даражадаги раҳбарлар маҳаллага тушиб, халқнинг фикри билан ҳисоблашляпти, муаммога ечим топиляпти. Пировардида ҳудудлар ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан юксалляпти. Аҳолининг ижтимоий шароитини яхшилашга қаратилган амалий ишлар натижа-



сида “Пешоғор” маҳалласида ичимлик сув тармоғи тортилди. Ҳамид Олимжон номидаги ва “Оқ тепа”, “Ширин” маҳаллаларида “Обод хонадон”, “Обод кўча”, “Обод маҳалла” мезонлари жорий этилиб, инфратузилма яхшиланди, оғир ҳудуд тоифасидан чиқарилди. “Ширин” маҳалласининг Бахматчойи, Қорақурсоқ, Эшматовул қишлоқларида ички йўллар билан боғлиқ муаммо бартараф этилди.

Туманда ишсизлик ва камбағалликни қисқартириш долзарб вазифага айланган. Жорий йилда 16 943 нафар ишсиз фуқаронинг бандлиги таъминланган бўлса, 5 091 та камбағал оиланинг 1 782 таси камбағалликдан чиқарилди. “Юксалиш”, “Ширин”, “Истиклол”, “Чорвадор”, “Фаровон”, “Ёшлик” маҳаллаларидаги 665 та аҳоли

томорқасида “Камбағалликдан фаровонлик сари” дастури доирасида коврак ўсимлигини етиштириш йўлга қўйилди. “Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш” дастурлари доирасида 4 067 нафар фуқарога 228,7 млрд. сўм имтиёзли кредит ажратилди. “Бир контур — бир маҳсулот” тамойили асосида “Истиклол” маҳалласида пиёз етиштириш йўлга қўйилди. Бу билан 60 нафар аҳоли бандлиги таъминланади. “Қўштол” ва Фаровон” маҳаллалари муайян турдаги қишлоқ хўжалиғи маҳсулотларини етиштиришга ихтисослаштирилди. 2,6 гектар аҳоли томорқасида қўшимча равишда 200 та янги иссиқхона қурилди. Ижарага берилган ерларда “Компания-кооператив-деҳқон хўжалиғи” тамойили асосида

5 та кооператив ташкил этилди. Сўнгги йилларда, туризм “драйвер” соҳага айланди. Бугунги кунда сайёҳлар учун 11 та меҳмонхона, 127 та оилавий меҳмон уйлари, 8 та сикатгоҳ ва оромгоҳлар, 26 та кемпинг, 4 та ҳостел мавжуд. “Дуоба” маҳалласига “Туризм маҳалласи” мақоми берилди. Яна бир жиҳат — ҳозиргача кўп маҳаллалар ўз биносига эга бўлмаган. Шунинг ортидан мурожаатчилар билан ишлашда қийинчилик кузатилган. Бугун бу муаммога ечим топилди. Жорий йилнинг ўзида 12 та янги маҳалла биноси қурилган бўлса, ҳозиргача 5 таси фойдаланишга топширилди. Шунингдек, 2 та фойдаланилмай турган бино замонавий кўринишга келтирилди. Давлат-хусусий шерикчилик асосида яна битта маҳалла ўз биносига эга бўлди.

Чорвачилик, деҳқончилик — маҳалланинг асосий “драйвери”. Томорқадан унумли фойдаланишда Сайхунобод, Уйчи, Ғиждувон, Зарбдор туманлари тажрибалари оммалаштириляпти. Ишсизлик ва камбағалликни қисқартириш, аҳоли даромадини ошириш мақсадида томорқачилик ривожлантириляпти.

Инъомжон ҚЎШБОҚОВ, Зомин туманидаги “Гулшан” маҳалласи раиси.

Аброр Ширинбоев “Хар бир оила — тадбиркор” дастури доирасида 33 миллион сўмлик имтиёзли кредит олиб, томорқасида 3 сотихли иссиқхона ташкил этган. Бу ерда қўлпўнай етиштиради. Иссиқхонанинг юза қисмида бир вақтда беш-олти турдаги кўчатлар ҳамда захира учун қўлпўнай кўчатлари парваришланади. Бугун оилавий тадбиркорга укаси Азамат, келини Мастура, фарзандлари Нодирбек ва Нигинабону ҳар жабҳада камарбаста бўляпти. Шу маҳалладаги Асҳад ва Гулназа Имангуловларнинг томорқасида бўш жой топа олмайсиз. Улар ҳам имтиёзли кредит ҳисобидан 2,5 сотих иссиқхонада лимон етиштириляпти. Оилавий тадбиркорлар боғдорчиликдан яхши даромад топиляпти. Боғда ўн турдан ортиқ 200 тупга яқин меваги дарахт мавжуд.

2024 йилнинг ўзида 39 нафар фуқарога имтиёзли кредит ажратилиб, тадбиркорлик ҳаракати қўл-

лаб-қувватланди. 15 нафар аёлга субсидия асосида тикув машинаси берилди. 9 нафар ишсиз фуқаро касб-хунарга ўқитилди. Жорий йил бу кўрсаткич янада яхшиланди. Тажрибамдан шуни англадимки, эзгу амаллар бир-бирига боғлиқ бўларкан. Бир соҳа ривожини иккинчи, учинчи соҳадаги камчиликларнинг камайишига олиб келаркан. Мисол учун, инфратузилманинг яхшилиниши янги иш ўринлари яратилишига сабаб бўлди. Ишсизлар камайгач, жиноятчилик, оилавий ажралишлар қисқарди. Аҳоли ўртасида бирдамлик, аҳиллик кучайди. Бунини “Ташаббусли бюджет” лойиҳасида иштирокимиз яққол кўрсатиб берди. Айни кунларда 1 миллиард 398 миллион сўм маблағ эвазига умумий узунлиги 4 155 метр бўлган ички кўчага сифатли асфальт қопламаси ётқизилляпти. Бу каби ишлар нафақат аҳоли учун қулайлик яратади, балки маҳалланинг умумий кўриниши ва экологик ҳолатига ижобий таъсир қўрсатади. Шу билан бирга, асфальтланган йўллар орқали тадбиркорлик ва хизмат кўрсатиш соҳаси янада тараққий этиши кутиляпти.



“Муҳими, эски ва нотўғри қарашларни ўзгарттирдик”

Ортиқча ғамхўрлик одамни дангаса ва боқиманда қилиб қўяди. Бунини ўтган йиллар тажрибасида кўрдик. Эҳтиёжманд оила, ишсиз ёки камбағал фуқаро, деб қўлаганларимиз кимдандир ёрдам ёки кўмак кутиб яшашни одатга айлантириб олди. Уларга даромад топиш йўллариини кўрсатиб, таклиф берсак, юқори идораларга ўстимиздан шикоят ёзишга тушишди. Бундайлар маҳаллани “очил дастурхон”га айлантириб олганди. Тизимдаги муҳим ўзгаришлардан бири — одамлардаги мана шу каби хато қарашларни ўзгарттира олдик.

Икром КУЧАРОВ, Зомин туманидаги “Бекукуби” маҳалласи раиси.

Натижада тадбиркорлар, томорқачилар, фермерлар сафи ортиб бормокда. “Ўсиш нуқта”миз — чорвачилик ва деҳқончилик янада ривожланди. Шу манбалардан фойдаланиб, йил бошидаги хатловга аниқланган 67 нафар ишсизнинг бандлиги таъминланди. Илғор томорқачилар мўъжазгина майдонда картошка, помидор, бодринг, бўлғор қалампирини етиштириб, юқори ҳосил олмокда.



Бундан ташқари, олма, олхўри, ўрик, ёнғоқ каби меваги дарахтлар оилаларга қўшимча даромад келтирмокда. Мисол учун, Улуғбек Норкулов боғдорчиликни йўлга қўйган. 5 гектар майдонда деҳқон хўжалиғи ташкил этиб, 5 та иш ўрни яратган. Оила аъзолари билан манзарали дарахт кўчатлари етиштириб, юқори даромад олмокда. Ҳудудда 1 100 та хонадон бўлса, барчасида томорқадан самарали фойдаланилади. “Ташаббусли бюджет” лойиҳасида фаол иштирок этиб, инфратузилма билан боғлиқ муаммоларга ечим топдик. 2022-2024 йиллардаги танловда жами 23,3 км. ички йўл

асфальтланди. 2024 йилда 2 та кичик спорт майдони ҳамда 71-мактабга 80 ўринли қўшимча бино қурилди. Жорий йил 3 км. оқова сув тармоғини таъмирлаш ишлари бошланди. Бундан ташқари, ҳомийлик ва ҳашар ҳисобидан 6 км. йўл шағаллаштирилди, янги трансформатор ўрнатилди, 16 та симёғоч бетон устунга алмаштирилди. Бундан икки йил аввал ҳудудда бирорта тадбиркорлик субъекти бўлмаган. Жорий йилнинг ўзида 4 та ишлаб чиқариш корхонаси иш бошлагани 18 та янги иш ўрни яратилишига сабаб бўлди. Бугун 30 нафар талабдор тадбиркорлик фаолиятини олиб бормокда.



Ўзбекистон ва Бахрайн ДИПЛОМАТИК ПАСПОРТ ЭГАЛАРИ УЧУН визалар бекор қилинади.



Сайёр солиқ текширувини ўтказишда МОБИЛ ВИДЕОКАМЕРАДАН ФОЙДАЛАНИШ МАЖБУРИЙ бўлади.



Ўзбекистонда тадбиркорларга экспортда мuddати ўтган қарздорлик учун ЖАРИМА УНДИРИШГА БИР ЙИЛЛИК МОРАТОРИЙ ЭЪЛОН ҚИЛИНАДИ.

8

№68-69 | 2025 йил 23 АВГУСТ, ШАНБА

Mahalla

СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ:

“ОБОД ВА ФАЙЗЛИ МАҲАЛЛА — ЮРТ КЎРКИ”

Бирдамлик ва меҳр-мурувват намунаси



Сурхондарё вилояти маҳалла-ларида кўтаринки руҳда бўлиб ўтаётган умумхалқ ҳашари ҳам аҳиллик, ҳам меҳр-мурувват намунасига айланди.

Шеробод туманидаги “Ғамбур” маҳалласида 732 та хонадонда яшовчи 3 618 нафар аҳоли бу ташаббусни катта хурсандчилик билан қарши олди.

Маҳалладаги 9 та кўчадан чиқиндилар олиб чиқилди, ариқлар тозаланди, 380 та дарахтга шакл берилди. Айниқса, ҳашар кунлари ош дамланиб, ҳамжихатлиқнинг яна бир намунаси кўрсатилди.

— Бу йилги ҳашар ўзига хос тарзда ўтатди, — дейди маҳалла раиси Саҳоват Тўраева. — Мустақиллигимизнинг 34 йиллиги арафасида 11 нафар ижтимоий



ҳолати оғир фуқарога ёрдам берилди, 9 та кўчабоши маҳалла ишидаги фаол иштироки учун рағбатлантирилди. Маҳалламиз аҳолисининг бирдамлиги билан фарҳанамиз.

Тумандаги “Учғоч” маҳалласида ҳам бу хайрли ишлар авжида. Маҳаллада ободонлаштириш ишлари фақат кўча тозалаш билан чекланиб қолмаган, бу

ерда одамлар байрамонга кайфиятда, ҳамжихатликда ҳаракат қилмоқда.

Маҳалланинг 2 километргача бўлган ички йўллари тозаланди. 77 та дарахтга шакл берилди ва оқланди. 24 та хонадон эгалари ташаббус билан чиқиб, уйлари-нинг фасад қисмини пардозлашди. Эътиборли жиҳати, ҳар бир кўчанинг бошига “Хуш келибсиз, намунавий кўчага!” деган

ёзуви баннерлар ўрнатилди. Бунинг ўзи ҳам аҳолида ифтихор ва ўз маҳалласига бўлган меҳрни оширмоқда.

Ободонлик билан бирга, муаммолар ечимига ҳам эътибор қаратилди. Хусусан, Ёшлар кўчасидан Қорачашма ва Хонақоҳ кўчаларигача бўлган йўналишда қувурлар ётқизирилиб, ичимлик сув тармоғи янгиланмоқда. Бу орқали Хонақоҳ кўчасидаги 35 та, Қорачашмадаги 55 та хонадоннинг сув таъминоти яхшиланади.

Бу хайрли ишларга бутун маҳалла камарбаста бўлган. Кўчанинг бошидаги уй эгаси, гулларга ошно Ойимсоч Ашурова она ўз уйи ва кўчанинг бошини гуллар билан безатиб, маҳаллага кўрк берган. Шахло Чўриева эса тиқиш-тикув ишларини бир чеккага қўйиб, 4 нафар шоғирди билан ҳашарга қўшилиб, атроф-муҳитни тозалашга ҳисса қўшмоқда.

“Учғоч”да ҳашар фақат меҳнат эмас, ҳақиқий жамоавий руҳ, бирдамлик ва юртга меҳр тимсолига айланди.

СИЗНИНГ ҚАНДАЙ ТАШАББУС ВА ТАЖРИБАНГИЗ БОР?

Ҳаётбахш ислохотлар туфайли ҳақиқий ўзгаришларга эришдик

2022 йилдан буён маҳалла раиси сифатида фаолият юритяпман. Май ойида ўтказилган сайловда ҳам аҳоли менга яна ишонч билдириб, иккинчи марта раисликка сайлашди. Бундан олдин 28 йил молия ва меҳнат соҳасида фаолият юритганман, бу тажрибамни эндиликда маҳалламиз ривожига йўлида сарфляяпман.

Рустам ОРТИҚОВ,
Шеробод туманидаги
“Катта боғ” маҳалласи раиси.

Маҳалла раҳбари сифатида иш бошлаганимдан бери, энг аввало, аҳолига қулай яшаш шароитини яратишга ҳаракат қилдик. Кечалари хавфсизлик ва ёруғлиқни таъминлаш мақсадида 75 та хонадон атрофига тунги чироқлар ўрнатилди. 33 та эскирган симёғоч янгисига алмаштирилди, 600 метр масофага электр кабеллари тортилиб, аҳолининг электр таъминоти яхшиланди. Шунингдек, 5 километр йўлга шағал ётқизирилиб, 2 километр йўл асфальтланди. 6 та кўча ариқлари бетонлаштирилди. Ҳозирда маҳалламизда намуна сифатида ташкил этилаётган “намунали кўча” устида иш олиб бориляпти.

Йилнинг 1 059 та хонадонда 5 595 нафар аҳоли истиқомат қилади. Барчага муносиб шароит яратиш — асосий мақсадимиз. Бу борада қатор муҳим ташаббуслар амалга ошди. Маҳалламизда ёшлар маркази ташкил этилди, иккита қаватдан иборат замонавий маҳалла биноси қурилди, болалар боғчаси иш бошлади, поликлиника фаолияти йўлга қўйилди. Ёшлар марказида замонавий тўғарақлар — корейс ва инглиз тили, шунингдек, компьютер саводхонлиги курслари йўлга қўйилган. Маҳалламиздаги 70-сонли мактабда хотин-қизлар учун ҳамширалик курслари очилган.

3 та хусусий тиқиш цехида 10-30 нафардан хотин-қиз меҳнат қилиб, касб ўрганмоқда. Маҳалламиз аҳолисининг аксар қисми деҳқончилик билан банд. 625 та хонадон анорчилик билан, 91 таси иссиқхонада ишлайди, қолганлари чорвачиликка ихтисослашган. Бу йил қовунларимиз жуда яхши чиқди. Мана, маҳалладошимиз Омон Саломов 3 гектар ерга қовун экиди ва мўмай даромад қилди. Қовун йиғишда ёрдамлашган фуқароларга 120 минг сўмдан меҳнат ҳақи тўлади — бу ҳам аҳиллик ва бирдамлик намунаси.

Анорчилик билан шуғулланувчи Абдурахмон ака Каримов ҳар йили 70-80 миллион сўм даромад қилади. Томорқада гул, сабзавот етиштириб, иссиқхонада тадбиркорлиқни йўлга қўйган Жалолддин ака Аминов ҳам барчага ибрат бўляпти.

Албатта, қилинадиган ишлар хали кўп. Маҳалламизнинг энг муҳим муаммоларидан бири — ичимлик сув масаласидир. Бу йўналишда тегишли ташкилотлар билан ҳамкорликда ҳаракат бошладик.

Юртимизда олиб борилаётган ислохотлар марказида инсон манфаати турар экан, маҳалла раҳбари сифатида мен ҳам бу ишончга муносиб бўлишга, ҳалқимиз розилигини топишга ҳаракат қиламан. Қилган ишларим ҳалқим хизматида куч олган. Биз ҳалқ билан бирга — ривожланиш, ободонлик ва фаровонликка биргаликда етамиз.

Юртимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг марказида инсон манфаати, унинг ҳаёти, фаровонлиги, орзуси ва келажаги турибди. Маҳалла эса бу борада нафақат давлат ва жамият ўртасидаги кўприк, балки ҳалқимизнинг азалий қадрияти, тартиб-интизоми, ҳамжихатлиги ва юксак маънавиятининг муқаддас маскани ҳисобланади.

Турғун МИРЗАЕВ,
Ўзбекистон
маҳаллалари уюмаси
Шеробод тумани бўлими
раҳбари.

Бугун Шеробод туманидаги 48 та маҳаллада йиғинлар фаолиятини тубдан янгилаш, ҳаётбахш ташаббусларни амалга ошириш, аҳолининг турмуш даражасини яхшилаш борасида амалий ишлар олиб боришмоқда. Жумладан, биргина маҳалла ободлиги йўлида — “Яшил макон” лойиҳаси асосида жорий йил баҳор мавсумида 700 мингдан ортиқ дарахт ва бутта кўчатлари ўтказилди. 11 минг 500 дан ортиқ мевали дарахтлар, жумладан, хурмо, анжир, лимон, олма ва анор кўчатлари экилиб, юртдошларимизнинг томорқалари кўркам боғларга айлантирилди.

Маҳалланинг ҳар бир кўчаси, ҳар бир хонадониде яшил муҳит яратиш бўйича кенг қамровли ишлар амалга оширилди. Ягона мақсад — ҳалқимиз яшайдиган жойларни обод ва файзли масканларга айлантириш.



“Камбағалликдан фаровонлик сари” дастури доирасида 5 та оғир тоифадаги маҳаллада инфратузилмани яхшилаш бўйича амалий ишлар қилинмоқда. Айниқса, электр таъминотини яхшилаш мақсадида 8 та трансформатор, 10 км. электр тармоқлари тортилиши натижасида 520 та хонадонда электр таъминоти яхшиланди. Бу — ҳалқнинг яшаш тарзидаги ҳақиқий ўзгариш.

2025 йилнинг биринчи ярмида тумандан 8 208 нафар фуқаро чет элга ишлаш, ўқиш ва бошқа мақсадларда чиқиб кетган. Улардан 398 нафари қайтиб келди, аксарияти шу ернинг ўзиде ишга жойлаштирилди. Бу ҳолат маҳаллада меҳнат бозори ва аҳолини иш билан таъминлаш бўйича тизимли ёндашув талаб этилишини кўрсатмоқда.

48 та маҳаллани камраб олган сайёр қабуллар, ҳалқ

билан очик мулоқотлар, ижтимоий муаммоларга жойида ечим топишга қаратилган саъй-ҳаракатлар “одамларни рози қилиш” тамойилига жонли мисол бўлади, албатта. Жорий йил иккинчи чорагида Маҳалланинг ижтимоий-иқтисодий муаммоларини ҳал этиш жамғармаси орқали келиб тушган 1 миллиард 331 миллион сўмдан ортиқ маблагдан мақсадли фойдаланилиб, 500 донга тунги чироқлар, 24 кВт. қуёш панеллари, компьютер ва принтерлар, кузатув камералари, техника воситалари харид қилинди.

Маҳалла раислари сайловида қатнашган фуқаролар вакилларининг 83 фоизи овоз бериши — ҳалқимизнинг бу институтга бўлган ишончи, эътибори ва иштирокини яққол кўрсатди. Сайланган 48 нафар раис, жумладан, 4 нафар хотин-қиз ва бир нафар туман Кенгаши депутати

Президентимизнинг фармон ва қарорларини амалга оширишда фаол иштирок этмоқда. Сайловдан сўнг ташкил этилган ўқув-семинарда раислар ва “маҳалла еттилиги” аъзолари давлат сиёсати, қонунчиликдаги ўзгаришлар ва иш тартиблари бўйича зарур билим ва кўникмаларга эга бўлишди.

Маҳалла — ҳалқ ичиде, ҳалқ билан бирга ва ҳалқ учун фаолият юритадиган фуқаролик институти. Унинг фаолияти орқали юртимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг самараси ва ҳалқимизнинг озу-умидлари намоён бўлади. Биз маҳалламиз орқали жамиятни, юртимизни обод қилишга интиляпмиз. Бизнинг фаолиятимизда ягона мақсад бор — ҳалқимизга муносиб турмуш, фаровон ҳаёт, шодлик бағишлаш. Бу йўлда барчамиздан масъулият, фидокорлик ва ҳамжихатлик талаб этилади.



“Mahalla” — соҳамга оид билимларнинг ишончли манбаи

Шарофиддин АБДУРАҲМОНОВ,
Шеробод туманидаги
“Олтинвоҳа” маҳалласи раиси:

— Ҳар қандай раҳбарнинг иши билим ва тажрибага таянади. Айниқса, маҳалладек ҳалққа яқин, масъулияти баланд тизимда ишляпсизми, янгиликлардан хабардор бўлиб туриш шарт. Шу нуқтаи назардан мен учун “Mahalla” газетаси ва “Mahalla ko'zgusi” журнали — ишимнинг ажралмас қисмига айланган.

Ушбу нашрларда фақат қонун ва қарорлар моҳияти эмас, балки оддий фуқарони рози қилиш йўлидаги амалий тажрибалар, турли вилоятлардаги маҳалла етакчиларининг иш усуллари, самарали лойиҳалари кенг ёритиб борилади. Мақолаларни ўқиб, “мен ҳам шундай қилсам-чи” деб илҳомланиман, рақли жиҳатларини ўз маҳалламизда қўлайман.

Газета ва журнал иш фаолиятимдаги кундалик маслаҳатчим, ҳамроҳим. Идорада улар учун алоҳида бурчак — кичик кутубхона ташкил қилганмиз. Йиғилишларга келган ёки иш юзасидан ташриф буюрган фуқаролар ҳам ушбу нашрларни муталаа қилишади. Зотан, билимга интилган раҳбар ҳам, фаол жамоа ҳам ҳеч қандам орқада қолмайди. Шунинг учун ушбу нашрлар билан ҳамкорликни доим давом эттиришим.





Афғонистоннинг Мозори Шариф шаҳрида АЛИШЕР НАВОЙИ НОМИДАГИ ЯНГИ ЁДГОРЛИК-МАЖМУА қурилиши бошланди.



Ўзбекистонда инвестициявий муносабатларни тартибга солиш, инвесторлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича ИНВЕСТИЦИЯ КОДЕКСИ ишлаб чиқилади.



Тошкент шаҳри ва йирик туристик ҳудуд бўлмаган жойлардаги меҳмонхоналардан ТУРИСТИК ЙИГИМ УНДИРИЛМАЙДИ.

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ:

“ОБОД ВА ФАЙЗЛИ МАҲАЛЛА – ЮРТ КЎРКИ”

Хайрли амаллар ортида уюшқоқлик бор

Мамлакатимиз бўйлаб ўтказилаётган “Обод ва файзли маҳалла – юрт кўрки” шиори остидаги умумхалқ хайрия ҳашари Тошкент вилояти маҳаллаларида ҳам кўтаринки руҳда ўтяпти.

Янгийўл шаҳар маҳаллаларида ўтказилаётган ҳашар ишларида аҳоли вакиллари фаоллик кўрсатиб, эҳтиёжманд оилалар ҳолидан хабар олишяпти. Уйлари таъмирлаб, қабристонларда тозалаш ишларини бажаряпти. Умумхалқ хайрия ҳашари **Қибрай** туманидаги маҳаллаларда раислар бошчилигида кўтаринкилик билан ўтказилмоқда. Ҳашар давомидида хонадонлар, кўчалар, зиёратгоҳлар ва қабристонлар ободон-

лаштирилиб, ижтимоий ҳимояга муҳтож ва боқувчисини йўқотган оилалар ҳолидан хабар олиняпти.

Пискент туманидаги “Оқтепа” маҳалласининг Наврўз ва Булоқбоши кўчаларида катта ҳашар ташкил этилди. Биринчи куннинг ярмида беш юз нафардан ортиқ ёш қарилар ҳашарга чиқишди. Уларга ҳашар оши тайёрланди.

Баҳамжиҳатлик, уюшқоқликни муҳассам этган ушбу хайрли амал **Ангрен** шаҳридаги маҳаллаларда, даҳаларда, кўчаларда, майдон ва хиёбонларда, боғларда ўз ифодасини топмоқда. **Ўрта Чирчиқ** туманидаги “Юқоривул” маҳалласида ҳам иккита қабристонда ободонлаштириш ишлари олиб борилиб, ариқлар тозаланди. Бир нафар кам таъминланган оилага 50 дона шифер олиб берилиб, томи ёпилди. 2,5 километрлик пйёдалар йўли қурилиши бошланди.

Бундай хайрли тadbирлар вилоятдаги барча маҳаллаларда қизғин давом этмоқда.



СИЗНИНГ ҚАНДАЙ ТАШАББУС ВА ТАЖРИБАНГИЗ БОР?

ТАФАККУР ВА АМАЛИЁТДАГИ ЖАРАЁНЛАРДА ИНСОН ОМИЛИГА ЭЪТИБОР КАТТА

Президентимизнинг Тошкент вилоятига қаратаётган эътибори натижасида аҳоли турмуш фаровонлигини юксалтириш доирасида кенг қўламли ишлар амалга ошириляпти. Биргина **Ўрта Чирчиқ** туманида сўнгги беш-олти йилда катта бунёдкорлик ишлари олиб борилди.



Раъно ЖУМАНОВА, Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси **Ўрта Чирчиқ** тумани бўлими бошлиғи.

Туманнинг маъмурий маркази ташкил этилиб, барча давлат ташкилотлари идоралари бир жойда замонавий кўринишда қад ростлади. Бу эса турли хил муносабатлар билан келаётган ўртачирчиқликларни идорама-идора бош суқий ташвишидан кутқарди. Амалга оширилаётган бу каби бунёдкорликлар замирида инсон омилига эътибор, одамлар розилигига эришишдек эзгу максadлар мужассамлиги билан аҳамиятлидир. Бугун бундай бунёдкорлик ишлари маҳаллаларга кўчган. Одамларни рози қилиш учун хонадонма-хонадон юрилиб, барча масалалар маҳалланинг ўзида ҳал этиляпти. Маҳалла раислари, фаоллар, нурунийлар ҳамда кўчабошилари кўчама-кўча юриб,



ҳар бир хонадон ва оилада томорқага экин экиш, уй-жойида шинам ва файзли муҳит яратиш, тозаликни сақлаш, тўғри овқатланиш, пийда юриш, зарарли одатлардан воз кечиш бўйича тушунтириш ишларини олиб борапти. Фарзандларида болаликдан бошлаб китобхонликка меҳр уйғотиш, уларни хорижий тиллар, касб-хунар ва санъатга ўргатиш, аёли ва қизининг ўқиши ва ишлаши учун шароит яратиши айтиляпти.

“Обод хонадон”, “Обод кўча”, “Обод маҳалла” мезонларини жорий этиш ҳамда “Яшил макон” лойиҳаси доирасида ҳар бир маҳаллада манзарали, мевали дарахт ва бута кўчатлари экиш, аҳоли томорқаларидан самарали фойдаланишни ташкил этиш бўйича манзилли режа ишлаб чиқилган. Шу асосида ҳар бир хонадон, кўча ва қабристонларни ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш бўйича оммавий ҳашарлар ташкил этиляпти. 3 минг 380 та хонадоннинг ташки деворлари, 1 минг 7 та хонадоннинг ошхона, 176 та хонадоннинг



Туманда 57 та маҳалланинг 11 таси мақбуллаштирилиб, 46 та маҳаллага айлантирилди.

тандирхона ва ўчоқхоналари, 204 та хонадондаги молхона ва қўшимча (қуйхона, товуххона, қўёнхона ва бошқа) бинолари туман ҳокимлиги, ҳомийлар ва тегишли ташкилотлар, Маҳалланинг ижтимоий-иқтисодий муаммоларини ҳал этиш жамғармаси ҳисобидан ҳамда аҳолини тарғибот қилиш орқали таъмирланди.

Шунингдек, аҳоли хонадонлари, маҳаллаларнинг ички кўчалари атрофига манзарали гул кўчатлари экилиб, 27,8 километр канал, ариқ (лоток) ва зовурлар тозаланди. 133 та жамоат жойида ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари ташкил этилди. Оммавий ҳашарлар доирасида қабристон ва зиёратгоҳларда тозалаш ва тартибга келтириш ишлари олиб борилди.

“Маҳалла еттилиги”нинг ҳамкорликда олиб борган ишлари натижасида йил бошидаги 18 455 нафар ишсиз фуқаронинг 92,2 фоизи иш билан таъминланди. Оилавий тadbиркорликни ривожлантириш дастури доирасида 534 та оилага 3 миллиард 562 миллион сўм кредит ажратилди. Яқинда туманда мебель маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган микросаноат маркази барпо этилди. Ушбу марказда 40 нафар тadbиркор ўз фаолиятини йўлга қўйиб, 700 та янги иш

ўрни яратилиши кўзда тутилган. Тез кунда кўплаб фуқаролар шу ерда иш бошлашади.

Жорий йилнинг 6 ойи давомида 1 416 нафар фуқаро чет давлатга ишлаш учун, шундан 56 нафари ташкилий тартибда, 260 нафари мустақил равишда кетган. Юқоридаги рақамлар mahalla.iyo.uz платформаси орқали таҳлил қилинганда Миграция агентлиги ва ҳамкор ташкилотлар 167 нафар фуқарони чет тили ва касбга ўқитган бўлса-да, “Маҳалла еттилиги” аъзолари тўғри тарғибот ва тушунтириш ишларини олиб борагани учун 260 нафар фуқаро мустақил равишда кетганлиги аниқланди.

Тумандаги 46 та маҳалланинг 4 таси хизмат биносига эга эмас. Ҳозирда уларни ҳам ўз хизмат биноси билан таъминлаш учун қурилиш ишлари олиб бориляпти. Шунингдек, 46 та маҳалланинг 7 тасига компьютер, 6 тасига принтер жиҳозлари тақдим этилди. 35 та маҳалла биносига қуёш панели ўрнатилди. Яна 11 та маҳалла лотга қўйилган бўлиб, яқин кунларда уларга ҳам қуёш панели ўрнатилади.

“Дўстлик” маҳалласида эксперимент тариқасида хусусий сектор иштирокида маҳалланинг ободлигини таъминлаш учун “Маҳалла сервис компанияси” қуриляпти.

Томорқадан тошгани тўкин турмушга татийди

Маҳалланинг асосий “драйвери” – деҳқончилик. Йиғинда томорқачилик яхши ривожланган. Ҳар бир хонадон эгаси томорқа ерида помидор, картошка, пиёз, кулупнай, қалампи, редиска, булғор қалампери, саримсоқ пиёз каби экинлар экиб, даромад топяпти.

Рустам ХУДОЙБЕРДИЕВ, **Ўрта Чирчиқ** туманидаги “Дўстлик” маҳалласи раиси.

Маҳаллада ишсиз фуқаронинг ўзи йўқ. Томорқа ерларидан унумли фойдаланиб, ҳар бирлари ўз бандлигини таъминлашган. Саидаҳмад Ашуров, Бахтиёр Ҳозиев, Маждид Мабусаев каби илғор томорқачилар бошқаларга ўрнак бўляпти. Томорқачилар экинлардан йилга тўрт мартагача ҳосил олиб, рўзгоридан ортигини бозорга сотишади.

“Бир ҳудуд – бир маҳсулот” тамойили асосида 170 та хонадон кўзқорин етиштириш билан шуғулланиб келяпти. “Маневр агрокластери” раҳбари Рустам Миванчинов, асосан, далада полиз маҳсулотларини етиштиради. Шу билан бирга, томорқасида кўзқоринчиликни йўлга қўйган. Оила аъзолари, кўни-қўшнилари жами 10 нафар фуқаро иш билан банд. Шелуха, оҳак, кепак солинган қопчаларга кўзқорин уруғидан экиб, қамиш билан уралган иссиқхонада парвариш қилади. Ушбу кимёвий қўшимчаларсиз тоза маҳсулот 40 кунда тайёр бўлади.

Маҳалламизда кўзқоринчилик йўлга қўйилганига беш йилдан ошди. Рустам Миванчинов кўзқоринларни қайта ишлаш цехи ҳамда кооперация тизимини йўлга қўйди. Кооперация раҳбари кўзқорин кўчатларини аҳолига етказиб беради. Етиштирилган маҳсулотларни яна ўзи қайта сотиб

олади. Кўзқоринни парвариш қилиш жуда осон. Кўнига бир марта суғориб, кейин тайёр бўлганда йиғиштириб олинади. Хуллас, меҳнати енгил, даромади юқори.

Иккинчи гуруҳ ногиронлиги бўлган Ҳайитулло Исмоилов ҳам ушбу тadbиркорга бириктирилиб, уйда кўзқорин етиштиришни йўлга қўйди. Дастлаб у кўзқорин етиштириш ишини мини лойиҳа сифатида бошлаган бўлса, бугун фаолиятини кенгайтириб, икки ой ичида 25 миллион сўмдан ортиқ даромад олди. Ҳайитулло деҳқончилик қилиб кам бўлмаяпти, ҳатто қўшнилари ҳам бу ишни ўргатяпти.

Маҳалла аҳолисидан кооперация асосида йиғиштириб олинган кўзқоринлар сифатини йўқотмасдан, тўғридан-тўғри харидорларга етказилади. Эътиборлиси, тadbиркор ташкил этган цехда ўзи ва маҳалла томорқачилари етиштирган маҳсулотларни қадоқлаб, бозорга чиқаради. Шу тариқа қўшимча қиймат ҳосил бўляпти.

Мутахассисларнинг таъкидлашича, кўзқорин иммунитетни мустаҳкамлайди, қон томирларни тозалайди, холестеринни камайтиришга ёрдам беради, ақлий қобилиятга ижобий таъсир кўрсатади, асаб тизимини яхшилайди, тери, соч ва тирноқларни соғломлаштиради. Кўзқориннинг турига қараб бошқа шифобахш хусусиятлари ҳам мавжуд.

Шу боис келгусида кўзқорин етиштиришни янада кенгайтириб, кооперациялар сонини кўпайтирамиз.





Санитария, ветеринария, карантин назоратида бўлган 32 тоифадаги махсулотлар учун МУВОФИҚЛИК СЕРТИФИКАТИ БЕКОР ҚИЛИНАДИ.



Тадбиркорларнинг ЕР, МОЛ-МУЛК, ИЖТИМОЙ ВА ДАРОМАД СОЛИҚЛАРИ ҳисоботларини шакллантириш бўйича мажбурияти бекор қилинади.



2026 йилдан “БИЗНЕСНИ 15 ДАҚИҚАДА БОШЛАШ” тамойили асосида тадбиркорликни тўлақонли йўлга қўйиш мумкин бўлади.

10

№68-69

| 2025 йил 23 АВГУСТ, ШАНБА

Mahalla

САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ:

“ОБОД ВА ФАЙЗЛИ МАҲАЛЛА – ЮРТ КЎРКИ”

Умумхалқ ишида ҳеч ким четда турмади



Жума тонгидан Самарқанд вилоятининг барча маҳаллаларида “Обод ва файзли маҳалла – юрт кўрки” шиори остида умумхалқ хайрия ҳашари бошланди.

Самарқанд шаҳридаги “Ватанпарвар” боғида ўтказилаётган ҳашар ишларида қурилиш, таъмирлаш, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари олиб борилди. 2026 йил ёз мавзумига қадар мазкур боғнинг асосий кириш қисми, автотураргоҳ,



бошқарув биноси, савдо нукталари, фаввора, умумий овқатланиш шохобчаси, автомат ўйингоҳ, ёпиқ картинг, ёпиқ болалар ўйингоҳи, 72 метрли чархпалак, экстремал аттракцион ҳамда ресторан қурилиб, объект замонавий қиёфага келтирилади. **Пайариқ туманидаги** “Янги-обод” маҳалласида ҳам ҳашар жараёнлари уюшқоқлик билан ташкил этилди. Эзгу ишларда масжидлар атрофи обод қилиниб, дарактлар оқланди, бегона ўт ҳамда чиқиндилардан тозаланди. **Эзгу ва хайрли ишларда Нуробод туманидаги** 39 та маҳалла аҳолиси фаол иштирок этмоқда. Ҳашар ишлари доирасида йўл бўйлари, қаб-

ристонлар, кўп қаватли уйлар, ҳовиллар, зовурлар, корхона ва ташкилотлар биноларини тозалаш-ободонлаштириш, дарактларни оқлаш ишлари қизғин давом этмоқда. Шунингдек, кам таъминланган оилалар ва ногиронлиги бўлган шахсларга ёрдам кўрсатиляпти. **Самарқанд шаҳридаги** “Навбоғчиён” маҳалласида ўтказилган умумхалқ хайрия ҳашарида 200 нафардан зиёд аҳоли фаол иштирок этди. Маҳалла қаб-ристонидида ободонлаштириш ишлари бажарилди. Халқимизга хос эзгу қадрият ва фазилатларни ўзида мужассам этган умумхалқ хайрия ҳашари вилоятдаги барча маҳаллаларда қизғин давом этмоқда.

СИЗНИНГ ҚАНДАЙ ТАШАББУС ВА ТАЖРИБАНГИЗ БОР?

Тадбиркори кўп, тадбирлари мўл юртдан сайёҳлар аримайди

Маҳалламиз туман марказида жойлашгани учун асосий “драйвер”и — тадбиркорлик ва хунармандчилик. Аҳолининг аксарияти Ургут туман деҳқон бозоридида савдо-сотик ишлари билан банд. Йиғин ҳудудида хизмат кўрсатиш соҳаси ҳам яхши ривожланган.



Азим ҚАЮМОВ, Ургут туманидаги “Юқори Калангар” маҳалласи раиси.

Шаҳар типидидаги йиғинда бўш жой бўлмагани учун ишлаб чиқариш корхоналари йўқ. Шу боис аксарият тадбиркорларимиз “Ургут” эркин иқтисодий зонасида газлама-мат, ўйинчоқлар ва пайпоқ ишлаб чиқариш корхоналари фаолиятини йўлга қўйган. Аҳолининг 18 фоизи эркин иқтисодий зона ҳудудидаги ишлаб чиқариш корхоналарида доимий иш ўрнига эга.

Илгари бу ерда хунармандлар кўп бўлган. Асосан, кетмон ва ўроқ ясашган. Ҳозир ҳам ушбу ҳунар билан шуғулланаётган уста-хунармандлар кўп. Шунингдек, кулоллар, сандиқчилар бор. Улардан бири — Самарқанд кулолчилик санъатига катта ҳисса қўшиб келаётган, Ургут мактабининг саккизинчи авлод давомчиси Нўъмон Облоқуловдир. У киши “Ўзбекистон Республикаси халқ устаси” фахрий унвонига эга. Кулолнинг ижод намуналари наинки уй-рўзгорни, балки дунёдаги бир қатор музейларни безаб турибди. Кулолнинг музейга айлантирилган уйига кўплаб туристлар келишади. Маҳалладаги қирқдан ортиқ сандиқчиларнинг махсулотлари анча харидоргир, республикамизнинг турли ҳудудларига сотиляпти. Ҳудудда чеварчилик, қандолатчилик ҳам яхши ривожланыпти. Жорий йилда ҳоким ёрдамчиси

ташаббуси билан тикувчилик йўналишида 15 та янги микро-лойиҳа ишга туширилиб, 30 дан ортиқ янги иш ўрни яратилди. Қандолатчилик йўналишида 10 дан ортиқ тадбиркор фаолият юритиб келяпти. Хусусан, Юлдуз Зайниддинова имтиёзли кредит асосида тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиб, турли хил қандолат махсулотларини тайёрляпти. Ҳозирга қадар 31 та кичик микро-лойиҳа ишга туширилиб, 65 та янги иш ўрни яратилди. Ушбу лойиҳаларнинг асосий қисmini тикувчилик ҳамда хизмат кўрсатиш ташкил этди.

Бундан бир йил олдин битта ўқув маркази бўлган бўлса, ҳозир уларнинг сони тўрттага етди. Бу ерда мингдан зиёд ёшлар олий ўқув юртлирига ўқишга кириш учун чет тили ва турли фанлардан тайёрланыпти.

Илгари иштиёқмандлар кўп. Шу боис тадбиркор Шохрух Эркинов ўтган йили “Илм-ла таълим” нодавлат таълим муассасаси қошида замонавий кутубхона ташкил этди. Ҳозир бу ерда икки мингдан ортиқ бадиий китоблар, ўқув қўлланмалар ҳамда турли хилдаги дарсликлар мавжуд. Кутубхона онлайн тартибда ҳам хизмат кўрсатиб келяпти.

“Маҳалла еттилиги” тизими яхши йўлга қўйилган, лекин “еттилик” аъзоларининг бошқарув ташкилоти турли хил бўлгани учун самарадорлик унчалик яхши бўлмаяпти. Таклифим, барча “еттилик” аъзоларининг бошқаруви битта ташкилот бўлиши керак. Шунда иш жараёнида тарқоқлик кузатилмайди.

Ургут тумани қадимдан савдо маркази бўлган. Шу боис ҳудудда тадбиркорлик кенг ривожланган. “Ургут” эркин иқтисодий зонасининг ташкил этилиши тадбиркорлар учун янада кенг имкониятлар яратиб, ишлаб чиқариш корхоналари сонини оширяпти. Энг муҳими, аҳоли бандлиги таъминланаяпти.



Шерзод ХОЛИҚОВ, Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси Ургут тумани бўлими бошлиғи.

лашяпти. Жорий йил илк бор “Баҳрин” маҳалласида халқаро ҳаво шарлари фестивали бўлиб ўтди.

“Тахтақорача” довоми

Самарқанд шаҳри ва Ургут туманини боғловчи 55 километрлик темирйўл ҳамда Ургут темирйўл вокзалининг қурилиши аҳолининг узоғини яқин қилиши, туризм, савдо-сотик ва ишлаб чиқарилаётган махсулотларни экспорт қилиш имкониятини янада оширишга хизмат қилади.

Туманда тадбиркорлик билан бирга, туризм ҳам кенг ривожланыпти. Айниқса, экстремал туризм турлари омма-



ўтган Омонқўтон қишлоғини билмайдиган, унинг гўзал табиати, мусаффо ҳавосидан баҳраманд бўлмаган киши бўлмаса керак. Тоғлар орасидаги, Самарқанд ва Қашқадарё вилоятларини боғловчи бу маскан доимо маҳаллий ва хорижий сайёҳлар билан гавжум. Ҳудуднинг жойлашуви ва имкониятидан келиб чиқиб туризм асосий “драйвер” сифатида белгиланган.

“Омонқўтон” маҳалласи — Самарқанд вилоятидаги энг катта ва таъриф буюрғувчилар сони кўплиги билан ажралиб турадиган ҳудуд. Маҳаллага ёз мавсумида бир кунда 5-10 минг нафаргача дам олувчилар ва сайёҳлар келади. Ҳозирги кунда

бу ерда 50 дан ортиқ оилавий меҳмон уйи, 40 дан ортиқ дам олиш маскани, мавсумий ҳордиқ чиқарадиган жойлар, 30 та хизмат кўрсатиш шохобчаси мавжуд. Давлатимиз раҳбарининг 2024 йил 29 ноябрдаги “Самарқанд вилоятида инвестиция ва тадбиркорлик муҳитини янада ривожлантириш ҳамда аҳоли турмуш даражасини яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида” ги қарорига асосан, ҳудудда соғломлаштириш ва дам олиш масканлари, меҳмонхоналар, туристик объектлар ташкил этилиб, маҳаллага “туризм қишлоғи” мақоми берилди.

Яна бир туризм қишлоғи — “Терсак” маҳалласи “Тахтақорача” довоми ёқасида, тоғлар орасида жойлашган. Тўрт қишлоқдан иборат маҳалланинг гўзал табиати, мусаффо ҳавоси кишини ўзига ром этади. Ушбу йиғинга 2021 йилда “туризм қишлоғи” мақоми берилиб, ҳудуд инфратузилмаси яхшиланди. Бугунги кунда ҳудудда 32 та меҳмон уйи мавжуд. Утган йили 10 минг нафар хорижлик, 25 минг нафар маҳаллий сайёҳ келган. Жорий йилда ушбу рақамлар яна ҳам юқори бўлиши кутиляпти. Бунинг учун сайёҳларга қулай шароит, уларнинг қишлоқда бўлиш вақтини узайтириш учун қўшимча имкониятлар яратилляпти. Янги меҳмон уйлари, дам олиш масканлари фаолият бошляпти.

“Камонгарон” маҳалласида жойлашган Хўжа Ахрор Вали зиёратгоҳига таъриф буюрғувчилар кўп. Шу боис ҳудудга олиб борувчи йўллар таъмирланиб, атрофига даракт ва манзарали гуллар экилиб кўкаламзорлаштириляпти. Зиёратгоҳ ҳудудидаги Хўжа Убайдуллоҳ жоме масжидида таъмирлаш ва ободонлаштириш ишлари олиб бориляпти.

ИШБИЛАРМОНЛИК САБАБ ИШСИЗЛИК БАРҲАМ ТОПГАН

“Истиклол” — энг ёш маҳаллалардан бири, 2022 йил ташкил этилган. Шундай бўлса-да, йиғинда катта ўзгаришлар амалга оширилди. Аввало, маҳалла идораси таъмирланиб, “еттилик” аъзолари учун муносиб шароитлар яратилди. Икки қаватли идора биносининг бир қисми тадбиркорларга берилди.

Умида ҚУДРАТОВА, Ургут туманидаги “Истиклол” маҳалласи раиси.

Маҳалла туман марказида жойлашган. Шу боис чакана савдо, сервис ва машиий хизмат кўрсатиш соҳаси анча ривожланган. Аҳолининг етмиш фоизи қўшни маҳалладаги Ургут деҳқон бозори ва Ургут савдо комплексида савдо-сотик ишлари билан машғул. Ишбилармон, ташаббускор истиклолликлар орасида ишсизлар йўқ ҳисоби.

Одамларда ҳамжиҳатлик, ташаббускорлик кучли. Бу ерда ҳашар ишлари ҳали ҳам яхши сақланиб қолган. Бир киши иш бошласа, ҳамма ёрдамга келади. Аҳолининг кўмаги ва ёрдами

билан тўртта трансформатор янгиланди. Оқова сувни тежаш мақсадида барча ариқлар ҳашар ёрдамида бетонлаштирилди. 300 метр пиёдалар йўлгаги ташкил қилинди. Иккита артезиан қудуғи таъмирланди. Ҳозир олтига шундай қудуқ ёрдамида аҳолини ичимлик сув билан таъминляпмиз.

Ҳудудда катта ободонлаштириш ва бунёдкорлик ишлари олиб бориляпти. Маҳалладаги ўнча кўчанинг аксарият қисми асфальтланди. Йил охирига қадар қолган бир яримта кўчани асфальтлаш ҳаракатидамиз. Аҳолининг сайёҳаракати билан мактабга 900 ўринли қўшимча ўқув бино қурилишига эришдик. Яқинда 1 гуруҳ ногирони бўлган фуқарони “Умра” зиёратига юбордик.





Ўзбекистонда
ИЖАРАГА БЕРУВЧИ ВА
ИЖАРАЧИ ХУҚУҚЛАРИНИ
БИРДЕК ҲИМОЯ
ҚИЛАДИГАН янги
таҳрирдаги қонун
ишлаб чиқилади.



Тошкентда
Марказий Осиёда
ягона НЕВРОЛОГИЯ ВА
НЕЙРОРЕАБИЛИТАЦИЯ
МИЛЛИЙ ТИББИЁТ
МАРКАЗИ ташкил этилади.



“ВАТАНГА ҚАЙТАРИШ”
БИР ОЙЛИК ХАЙРИЯ
АКЦИЯСИ доирасида
хорижда мураккаб
аҳволда қолган
621 нафар фуқаро
Ўзбекистонга олиб
келинди.

Mahalla

№68-69 | 2025 йил 23 АВГУСТ, ШАНБА

11

АНДИЖОН ВИЛОЯТИ:

“ОБОД ВА ФАЙЗЛИ МАҲАЛЛА — ЮРТ КЎРКИ”

Қадрдонлар дийдорлашди, дилдан суҳбат қуришди



Ҳашар — халқимизнинг қадимий ва азалий қадриятларидан биридир. Унинг замирида ободлик, ҳамжиҳатлик, меҳр-оқибат, хайр-саховат ва бунёдкорлик мужассам.

Андижон вилоятидаги барча маҳаллаларда ҳашарлар ташкил этилмоқда.

Унда ҳудуддаги қабристонлар, йўл бўйлари тозаланиб, кўчаларни тартибга келтириш ишлари олиб бориляпти. Жумладан, Марҳамат туманидаги маҳаллаларда, ташкилот, корхона ва муассасаларда ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари жуда қизғин. Мазкур хайрли



тадбирда барча ёшдаги аҳоли вакиллари бирдек иштирок этиб, юрт ободлиги йўлида ўз ҳиссасини қўшмоқда.

Ҳашар давомида асосий эътибор ариқларни тозалаш, дарахтларни оқлаш, ҳудудларни чиқиндилар, шох-шаббалардан тозалаш ишларига қаратилмоқда. Шу аснода анчадан буён қўришмаган қадрдонлар дийдорлашяпти, меҳнат қилиш баробарида ширин суҳбат қурапти. Аслида, ҳашар дегани фақатгина супур-сидирдан иборат эмас. Аксинча, шу баҳона одамлар бир-бирдан ҳол сўрайди. Кўз-кўзга тушиб меҳр ришталари мустаҳкамланади.

Тадбир доирасида “еттилик” вакиллари ҳамда кўнгилли ёшлар кекса ёшдаги фуқаролар хонадонига кириб, аҳолидан хабар оляпти. Қаровсиз қолган томорқаларига ишлов бериб, ҳовлисини чиқиндилардан тозалаяпти. Умумхалқ хайрия ҳашари муносабати билан ўтказилган ушбу учрашув нуронийларнинг кўнглини тоғдек кўтарди.

СИЗНИНГ ҚАНДАЙ ТАШАББУС ВА ТАЖРИБАНГИЗ БОР?

Халққа хизмат қилмоқ, виждон-ла иш кўрмоқ — бурчимиз



Бугун кенг имкониятлар майдонида яшаяпмиз. Интилган, ҳаракат қилган киши борки, албатта, натижага эришяпти. Айниқса, маҳалла тизимига берилаётган ваколатлар сабаб қанчадан-қанча инсоннинг муаммолари жойида ечими топяпти.

Исроилжон ТЕШАБОВ,
Ўзбекистон маҳаллалари
уошмаси Марҳамат тумани
бўлими бошлиғи.

Тадбиркорлик қилиш истагидагилар янгидан-янги ғояларини амалга ошириш асносида ўзи ва маҳалладошларининг турмуш шароитини яхшилашга муносиб ҳисса қўшиб келяпти.

Айни вақтда туманимиздаги 48 та маҳалланинг ҳар бирида ўзгариш ва ривожланишлар авжига чиққан. “Еттилик” вакиллари хонадонма-хонадон юриб, 189,9 минг нафар аҳоли вакиллариининг иқтисодий, ижтимоий ҳамда ҳуқуқий саводхонлигини оширяпти. Уларнинг мурожаатларидан келиб чиққан ҳолда но-

жиҳатдан қўллаб-қувватланияпти, эскириб қолган уйлар янгидан қуриб бериляпти. Хусусан, эҳтиёжманд оилалар истикомат қиладиган 1 933 та хонадон таъмирланади, 2 467 та уй-жой оқланади, 5 852 та тандирхона қурилади, 11 509 та томорқага экин экилди. 147 та хонадонда иссиқхона ташкил этилди. “Маҳалла еттилиги” тавсияномаси асосида 42 та аҳоли уйига кўёш панеллари ўрнатилди.

Шунингдек, 48 та маҳалладаги 304 та хонадонда томорқадан самарали фойдаланиш бўйича “Сайхунобод”, 267 тасида “Уйчи” тажрибалари жорий этилди.

“Обод хонадон”, “Обод кўча”, “Обод маҳалла” мезонларини жорий этиш бўйича тизимли ишлар олиб борилиб, ҳар ҳафтанинг шанба куни барча маҳаллаларда ҳашарлар

ташкил этилмоқда. Хусусан, ўтказилган тадбирларда 103,5 км. йўл, 258 км. ариқлар тозаланди. 250 тонна чиқинди чиқариб ташланди, 150 380 та дарахт ва буталарга шакл берилди. Мазкур ишларга 62 854 нафардан зиёд фуқаро жалб этилди.

“Камбағалликдан фаровонлик сари” дастури доирасида 4 305 нафар ишсиз, 2 628 нафар битирувчи ёш, 140 нафар ҳарбий хизматдан қайтадиган йигит, 3 474 нафар меҳнатга лаёқатли ногиронлиги бор шахс бандлигини таъминлаш белгиланган эди. Бугунга қадар,



ишсизларнинг 198 нафари доимий ишга жойлаштирилди, 800 нафари ўзини ўзи банд қилди, 137 нафари касб-ҳунарга ўқитилди. 445 та камбағал оилага бириктирилган раҳбарлар уларнинг фаровонлигини таъминлаш бўйича тадбирлар олиб бормоқда.

Маҳаллаларга бириктирилган банк агентлари билан биргаликда аҳоли бандлигини таъминлаш мақсадида 1 920 та янги лойиҳа амалга оширилиб, 621 нафар аҳолининг тадбиркорлик фаолиятини бошлашига, 1 152 нафарини тадбиркорлик фаолиятини кенгайтиришига кўмаклашилиб, 1 563 нафар фуқарога имтиёзли кредит маблағлари ажратилди.

Аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш мақсадида барча маҳаллаларда спорт тадбирлари ўтказилди. Жумладан, “Саломатлик учун беш минг қадам”, югуриш, шахмат-шашка ва футбол каби спорт турларидан мусобақалар ташкил этиб келинмоқда. Бу тадбирларда нуронийлар, хотин-қизлар ҳамда ёшлар фаол иштирок этапти. Аҳоли орасида тўғри овқатланиш қоидаларини тарғиб қилиш мақсадида тиббиёт ходимлари иштирокида суҳбатлар ўтказиляпти.

Бугун қайси жабҳада қандай ислохотлар олиб борилмасин, барчаси халқ манфаатлари йўлида қилинаётгани алоҳида эътиборга молик. Улар тинч ва фаровон турмуш кечирса, биз мақсадимизга етган бўламиз.

Бугун маҳалла чин маънода ислохотлар марказига айланган, десак муболаға бўлмайди. Қайси соҳани олманг, “еттилик” вакиллариининг ташаббускорлиги, саъй-ҳаракатлари катта аҳамият касб этмоқда. Биз ҳам барча ҳамкасбларимиз қатори тунларни кунга улаб, ҳудудимизни обод масканга айлантириш йўлидамиз.



Лочинбек АБДУКАРИМОВ,
Марҳамат туманидаги
“Янгиҳаёт” маҳалласи раиси.

Айни вақтда маҳалламизда 5 100 нафар аҳоли истикомат қилади. “Драйвер”имиз — қишлоқ хўжалиги. Аҳоли вакиллари 6 сотихдан 30 сотихгача бўлган томорқаларида турли пилиз экинлари етиштириб, рўзгорига қўшимча даромад киритиб келмоқда. 40 фойздан кўпроқ хонадонларда иссиқхоналар барпо этилган бўлиб, ишнинг кўзини топанлар ундан икки-уч қайта ҳосил оляпти.

Жорий йил бошидан буён амалга оширган энг йирик лойиҳамиз — қабристонни обод қилиш бўлди. У ерда бир неча ой давомида ҳомийлар кўмаги билан 20 метрли айвон қурилди. Бундан ташқари, қоровул учун махсус хона барпо қилдик. 8 метрли бионинг ичида эса ювиниш, таҳорат олиш учун барча шароитлар ҳозирланган. Атрофга ёритиш чироқлари ўрнатилган, қабристон янада қароғон бўлди.

Бу каби кенг қамровли қурилиш ишларини амалга оширишда бизга тадбиркорларнинг кўмаги жуда асқаяпти. Хусусан, Абдурауф Исоқов 20 йилдан буён бизнес билан шуғулланиб келмоқда. У ташкил этган улгуржи савдо дўконига 20 нафар фуқаронинг доимий бандлиги таъминланган. Фуқаро ҳар йили топаётган даромадининг маълум қисмини маҳалладошларимиз учун атайди. Бу йил ҳам ҳудудимизда истикомат қиладиган боқувчисини йўқотиб, бир нафар фарзанди билан ёлғиз

қолган аёлнинг эскириб кетган уйини янгидан қуриб беришда муносиб ҳиссасини қўшди.

Акбаржон Тошпўлатов эса 5 нафар ака-укаси билан асалари-чилик қилиб келаяпти. Тадбиркор бундан икки йил аввал маҳалла ажратиб берган 33 миллион сўм имтиёзли кредитга беш қути асалари харид қилган эди. Энди уларнинг сони 500 қутидан ошган. Бундан ташқари, оила вакиллари 4 гектарли майдонда беда ва макка каби экинларни етиштириб, чорвачилик қилиш билан ҳам шуғулланади. Фарзандлар ҳалол меҳнати ортидан отасини Умра сафарига юборишди. 2-3 та автомашина харид қилишди.

Йил охирига қадар якунига етказишимиз керак бўлган кўплаб ишлар бизни кутиб турибди. Масалан, “Ижтимоий ҳимоя ягона реестри”га киритилган Ҳуломжон Мамасолиевнинг бўзилиш арафасига келиб қолган хонадонини таъмирдан чиқариб бермоқчимиз. Эр-хотин иккиси ҳам ногиронлиги бўлган фуқаролар. 3 нафар фарзанди ҳали вояга етмаган. Умид қиламизки, маҳалла берган кўмак уларнинг яшаш шароитини яхшилашга оз бўлса-да туртки бўлади.

Ўрни келганда бир таклифни илгари сурмоқчиман. Ҳозирги вақтда ишлаш самарадорлигини ошириш мақсадида кўплаб платформалар ташкил этилган. Уларни тўла-тўқис юритиш учун кун бўйи компьютер қаршисида ўтириш керак. Бундай қилсак, аҳоли мурожаатларини тинглаш, хонадонма-хонадон юриб, муаммоларни ҳал қилиш каби вазифаларга улғуриб бўлмайди. Агар идораларда масъул котиб лавозими жорий этилса, халққа янада қиянроқ бўлар эдик.

“МЕН ОБУНА БЎЛДИМ, СИЗ-ЧИ?”



“ИШ
СТОЛИМДА
“МАНАЛЛА”
УЧУН ҲАМИША
ЖОЙ БОР”

Набижон БАКИРОВ,
Марҳамат туманидаги
“Йўлпамтол” маҳалласи раиси:

— Маҳалла тизимида йигирма беш йилдан буён ишлаб келаман. Бу йўналишда хизмат қилиб, жуда кўп фуқаролар билан суҳбатлашдим. Турфа тақдир эгаларини кўрдим. Мурожаатларни-ку, айт-маса ҳам бўлаверади. Барчасига улгуриш, инсонларнинг саволларига муносиб жавоб бериш учун, биринчи навбатда, билим олиш манбаи зарур.

Шу маънода мен “Mahalla” газетасини доимий кўмакчим, деб биламан. Унинг саҳифаларида бериб борилаётган бир-биридан қизиқарли мақолалар, раисларнинг иш тажрибалари, яъни қабул қилинган қонун ҳужжатларининг шарҳлари ҳар жиҳатдан мушкул-лимизни осон қиляпти. Столимда “Mahalla” учун ҳамиша жой бор. Бўш қолдим, дегунча уни варақлашга ошқаман. Ҳар сафар ўзим учун нимадир янги нарсга оламан. Шу боис газетамга обуна бўлиш доимий анъанамизга айланган.



Швейцарияда энгил атлетика бўйича ўтган “Бриллиант лига” мусобақасида Ўзбекистон терма жамоаси аъзоси АНВАР АНВАРОВ ОЛТИН МЕДАЛНИ ҚЎЛГА КИРИТДИ.



Мисрда бўлиб ўтган ПАРА ДЗЮДО БЎЙИЧА ГРАН-ПРИ ТУРНИРИДА вакилларимиз 1 та олтин, 2 та кумуш ва 3 та бронза медалига сазовор бўлди.



Тошкентда 19 ёшли қизлар ўртасида ГАНДБОЛ БЎЙИЧА ОСИЁ ЧЕМПИОНАТИ бошланди. Ярим финалчилар U20 жаҳон чемпионати йўлланмасига эга бўлади.

12

№68-69 | 2025 йил 23 АВГУСТ, ШАНБА

Mahalla

БИЗ — СОҒЛОМ ТУРМУШ ТАРЗИ ТАРАФДОРМИЗ!

СОҒЛОМ ОВҚАТЛАНИШ

БАДАНТАРБИЯ

Олимлар спортнинг инсон саломатлигига фойдаси ҳақидаги қизиқарли узвийликни аниқлади. Янги тадқиқот натижаси шуни кўрсатдики, жамоавий спорт билан шуғулланиш инсон умрини бир неча йилга узайтириши мумкин.

ЖАМОАВИЙ СПОРТ

Қурилган мевалар озиқ-овқат толаларига бой бўлиб, ичакларнинг фаол ишлашини таъминлайди ва токсинларни чиқариб ташлашга ёрдам беради. Айниқса, қоқи, майиз ва анжир ичаклар фаолиятини яхшилайди.

ИММУНИТЕТНИ МУСТАҲКАМЛАЙДИ

Мевалар таркибидаги В ва С витаминлари, шунингдек, темир ва мағний моддалари иммун тизимини қувватлантириб, танани турли касалликлардан ҳимоя қилади.

Азиза ШИРИНОВА, шифокор.

ҚУВВАТ МАНБАИ

Қурилган мевалар табиий шакрга бой бўлгани учун танага куч ва қувват беради. Шу сабабли уларни спортчилар ва жисмоний фаолият билан шуғулланувчилар кўп истеъмол қилиши керак.

АНТИОКСИДАНТЛАРГА БОЙ

Майиз, анжир, туршак каби қурилган мевалар антиоксидант моддаларга бой бўлиб, хужайраларни эркин радикаллардан ҳимоя қилади ва саратон касаллигининг олдини олишга ёрдам беради.

ҚАНДЛИ ДИАБЕТДА ХАВФЛИ

Қурилган мевалар табиий шакрга бой бўлгани учун қандли диабет билан оғриган инсонлар уни истеъмол қилишда эҳтиёткор бўлиши лозим. Кунлик меъёрни оширмаслик керак.

ЮВИШНИ ЁДДАН ЧИҚАРМАНГ

Қўллаб бозордаги қурилган мевалар тижорий кўринишини яхшилаш мақсадида турли кимвий моддалар, масалан, консервантлар ва мойлар билан ишлов берилади. Шунинг учун уларни истеъмол қилишдан аввал илиқ сувда ювиш тавсия этилади.

ИСТЕЪМОЛ МЕЪЁРИГА РИОЯ ҚИЛИНГ

Қурилган мевалар жуда фойдали ва мазали бўлиб, тана учун зарур бўлган озуқавий моддаларга бой. Уларни тўғри танлаб, эҳтиёткорлик билан истеъмол қилиш саломатликни яхшилашга ёрдам беради. Бирок, сифатли маҳсулотларни танлаш, уларни яхши ювиш ва меъёрга риоя қилиш жуда муҳим. Шу билан бирга, уларни турли касалликларга мойил одамлар шифокор маслаҳатига биноан истеъмол қилиши тавсия этилади.



ИНСОН УМРИНИ УЗАЙТИРАДИ

Иштирокчилар 25 йил давомидида кузатиб борилган. Олинган маълумотлар ижтимоий-иқтисодий ҳолатдан тортиб спиртли ичимликлар истеъмол қилишгача бўлган кичик омилларгача солиштирилган. Катнашчилар томонидан бажариладиган машқларнинг асосий турлари ўрганилиб,

ТАВСИЯ

КЎЗОЙНАК — ҲИМОЯМИ ЁКИ ЗАРАР?

Ёз мавсумида ультрабинафша нурланиш интенсивлиги ошиши кузатилади. Бундай паллада кўзни қуёшдан сақлайдиган асосий восита кўзойнак ҳисобланади.

Баъзи одамлар кўзойнакнинг линзалари қанчалик тўқ бўлса, улар ультрабинафша нурланишдан шунчалик яхши ҳимоя қилади, деб ўйлайди. Аммо бундай фикрлаш хато.

Бу шунчаки ранг, ультрабинафша нурлардан эса бошқа компонентлар ҳимоя қилади. Аввало, линзалар махсус нур ўтказмайдиган қопламали бўлиши керак. Буни кўзойнак сертификатидан текшириш мумкин.

Ранги 20 фоиздан ортиқ тўқартирилган линзаларни ишлатиш тавсия этилмайди, бу тасвирни жуда қоронғи қилади, кўриш қобилиятини пасайтиради ва кўзга зарар етказиши мумкин.

Шунингдек, сиз қуёшдан сақлайдиган кўзойнакни бино ичида тақмаслигиниз керак. Иккала ҳолатда ҳам биз ёруғликни сунъий равишда камайтирамиз ва бу кўриш кескинлигини ёмонлаштириши мумкин.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги матбуот хизмати.



узоқ умр кўриш ва спорт ўртасидаги боғлиқлик аниқланган.

Унга кўра, ҳамроҳ билан ёки гуруҳда машқ қилиш ёлғиз шуғулланишга қараганда фойдалироқ экани маълум бўлган. Яъни, умрни узайтирувчи спорт турларига қизиксангиз, велосипедда сайр қилиш, якка ўзингиз югуришдан кўра, теннис, бадминтон ва футбол ўйнаган маъқул.

Натижалардан маълум бўлишича, теннис биринчи ўринга чиқиб, тажриба иштирокчиларининг умр кўриш давомийлигини ўртача 9,7 йилга оширган. Ўртача 6,2 йил кўшган бадминтон иккинчи ўринни эгаллаган. Футбол эса 4,7 йил натижа билан узоқ умр кўриш бўйича энг яхши спорт турлари рейтингда учинчи ўриндан жой олган. Жараёнда машқлар давомийлиги катта аҳамият касб этмаган.



Тадқиқот иштирокчиларнинг спорт машғулотлари билан шуғулланиш вақти турли хил бўлган. Теннис ўйнаганлар ҳафтасига тахминан 520 дақиқа жисмоний фаол бўлган ва соғломлаштириш клуби аъзолари деярли 600 дақиқа машқ қилган. Бирок теннис билан шуғулланганлар самарали натижани қайд этган.

Буюк Британияда ўтказилган тадқиқот натижасига кўра, жамоавий спорт турлари билан шуғулланган ўқувчилар, якка тартибда машқ қилганларга нисбатан руҳий муаммолардан камроқ азият чекади. Бирок, ёлғиз бажариладиган спорт билан шуғулланмаслик керак, деган хулосага келиш хато. Бу спорт турлари ҳам умрни узайтириши ва соғлиқ учун фойдали бўлишини рад этиб бўлмайди.

Интернет материаллари асосида Шаҳноза РАҲИМХУҲАЕВА тайёрлади.

ХИДОЯТ ЁҒДУСИ

ТАРБИЯЛАШ МАҚСАДИДА ЎҚУВЧИНИ УРИШ МУМКИНМИ?

Наима ҲАЙДАРОВА. Қашқадарё вилояти:

— Мактабда ўқитувчи бўлиб ишлайман. Ўқувчилар орасида тарбияси оғирлари бор. Саволим шуки, уларни тартибга қақариш учун уриш мумкинми?

Ўзбекистон мусулмонлари идораси Фатво маркази:

— Бола тарбияси жуда савобли иш бўлиши билан бирга, ўта масъулиятли ҳамдир. Бу мавзу ҳассос масала ҳисобланиб, унга тўғри ёндашмаслик кейинчалик турли ноқулайликларни келтириб чиқаради.

Болалар барча ишларида доимий ғамхўрликка муҳтож бўлгани туфайли раҳмшафқат билан муомала қилишга энг муносиб қатламдир. Ҳадис шарифда ҳам уларни иззат-икром қилмасликдан қайтарилган.

Анас разияллоху анҳудан ривоят қилинади: “**Расулуллох саллаллоху алайхи васаллам: “Кичигимизни иззат қилмаган, каттаимизни улуғламаган киши биздан эмас, дедилар”** (Имом Байҳақий ривоят қилган).

Устоз ва мураббийлар болаларни уриш билан эмас, балки уларнинг психологиясини ўрганиш ва ҳар томонлама ўрнат бўлиш билан тарбиялаб бориши — энг гўзал ва ягона ечим ҳисобланади.

Бугунги кунда замонавий тарбия мутахассислари ҳам боланинг келажақда нотўғри йўللарга қадам қўйиши унинг ёмонлиқдан холи бўлган соф табиати сабабли эмас, балки болаликда берилган нотўғри тарбия оқибатида келиб чиқишини таъкидлашади.



Mahalla

Ўзбекистон маҳаллалари уюшмасининг ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий газетаси

Бош муҳаррир: Бахтиёр АБДУСАТТОРОВ
Дизайнер: Абдулазиз Аҳмедов
Шерзод Маманов

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2024 йил 7 майда №271590 рақами билан давлат рўйхатидан ўтказилган.

Муассис: «MAHALLA DAVRIY NASHRLARI» МЧЖ

Тахририят манзили: 100192, Тошкент шаҳри Мустақиллик шоҳ кўчаси 59-уй.
Телефонлар: 71 233-39-89, 71 233-10-92.
Нашр кўрсаткичи: 148

«Шарқ» НМАК босмахонасида чоп этилди. Босмахона манзили: Тошкент шаҳри Буюк Турон кўчаси 41-уй.

Газета тахририят компьютер марказида саҳифаланди ва офсет усулида босилди.

Ўлчами — 380x587, 6 б.т. 8 510 нусхада чоп этилди. Буюртма №: Г-820

